

ЖАМОАТ АСОСЛАРИ



Жамоатдаги Етакчиликни Тушуниш

ТҮПЛАМ МУҲАРРИРИ: ЖОНАТАН ЛИМАН

МУАЛЛИФ: МАРК ДЕВЕР



Марк Эдвард Девер ва 9та Белги мұаллифлік хуқуки

© 2016

Барча хуқуқтар ҳимояланған.

Америка Құшма Штатларида чоп этилған

978-1-4336-8892-8

Нашвилл, Теннессидаги

B&H Publishing Group нашриёти

Дюейнинг ўнли таснифи: 262

Мавзу сарлавхаси: ЕТАКЧИЛИК \ ЖАМОАТ
БОШҚАРУВИ \ ЖАМОАТ ИШИ

Китоб мұқоваси | Форматлаш

Wirley Corrêa

Барча оялтар Мұқаддас Китобни
таржима қилиш институти томонидан 2016-йилда чоп
етилған Мұқаддас Китобдан олинған,
мұаллифлік хуқуқи ©2016

Барча хуқуқтар дунё бўйлаб ҳимояланған.

ЖАМОАТ АСОСЛАРИ



Жамоатдаги Етакчиликни Түшүнүш

ТҮПЛАМ МУҲАРРИРИ: ЖОНАТАН ЛИМАН
МУАЛЛИФ: МАРК ДЕВЕР

МУНДАРИЖА

Жамоат Асослари Тўпламига Кириш.....	7
Кириш.....	13
1 БОБ — Диаконлар Кимлар?	23
2 БОБ — Диаконлар Нима Иш Қилишади?	37
3 БОБ — Оқсоқоллар Кимлар?	51
4 БОБ — Оқсоқоллар Нима Иш Қилишади?	63
5 БОБ — Оқсоқролларнинг Жамоат Штати Хизматчилари, Диаконлар ва “Чўпон” Билан Ўзаро Алоқаси	81
6 БОБ — Оқсоқолларнинг Жамоатга Алоқаси.....	91
7 БОБ — Жамоат Аъзолари Кимлар?.....	107
Хулоса: Худо Улуғворлигининг Намоён Бўлиши	127
Илова: Диаконнинг Вазифалари.....	141
Изоҳлар	159

ЖАМОАТ АСОСЛАРИ ТҮПЛАМИГА КИРИШ

Масиҳий ҳаёт бу жамоатлашган ҳаётдир. Ушбу асосий Каломий иддао Жамоат Асослари Топламидаги барча китобларда илгари сурилган.

Ушбу иддао ўз навбатида ҳар бир муаллиф ўз мавзусига қандай ёндашишига таъсир қилади. Мисол учун, *Құттуғ Кечликни Түшүнниша* Раббимиз Кечлиги сиз ва Исо ўртасидаги шахсий ва сирли амал эмаслиги таъкидланади. Бу оиласиң стол атрофида сиз Масиҳ ва масиҳийлар билан мулоқотда бўладиган кечликдир. *Буюк Топшириқни Түшүнниша* Буюк Топшириқ Масиҳининг шоҳиди сифатида бир ўзи бошқа халқларга бориш лицензияси эмаслиги таъкидланади. Бу бутун жамоатга берилган ва бутун жамоат бажариши лозим

бўлган вазифадир. *Жамоат Ҳокимиятини Түшүннишда жамоат ҳокимиятига нафақат йўлбошчилар, балки, бутун жамоат масъул эканлиги таъкидланади.* Ҳар бир аъзонинг қиласидиган иши бор, шу жумладан, сизнинг ҳам.

Тўпламдаги ҳар бир китоб жамоатнинг ўтрамиёна аъзосига мос slab ёзилган, бу жуда муҳим жиҳатдир. Агар масиҳий ҳаёт – жамоатлашган ҳаёт бўлса, унда сиз, чўмдирилган имонли ва жамоат аъзоси, бу асосий мавзуларни тушунишга масъулсиз. Исо сизга Ўз хушхабарини ёйиш ва ҳимоя қилиш вазифасини топширганига ўхшаб, У сизга Ўз хушхабари халқи, яъни жамоатини қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини ҳам юклаган. Буни қандай амалга ошириш бу китобларда тушунтирилган.

Сиз Масиҳнинг хушхабарчилик хизмати корпорациясида акционер кабисиз. Яхши акционерлар нима қилишади? Улар ўз компанияларини, бозорни ва рақобатни ўрганиб чиқишлиди. Улар ўз сармояларидан иложи борича кўпроқ фойда олишни хоҳлашади. Сиз, масиҳий одам, бутун ҳаётингизни инжил

хушхабарига сармоя сифатида киритдингиз.
Бу түпламнинг мақсади Худонинг улуғвор
хушхабари йўлида маҳаллий жамоатингиз
соғломлигини ва Шоҳликдаги самарадорли-
гини оширишда сизга ёрдам беришдир.

Ишни бошлишга тайёрмисиз?

Жонатан Лиман
Тўплам Муҳаррири

ЖАМОАТ АОСОСЛАРИ ТҮПЛАМИДАГИ КИТОБЛАР

Буюк Топшириқни Тушунии,

Марк Девер

Чүмдирилишни Тушунии,

Бобби Жемисон

Күттүг Кечликни Тушунии,

Бобби Жемисон

Жамоат Ҳокимиятини Тушунии,

Жонатан Лиман

Жамоатдаги Интизомни Тушунии,

Жонатан Лиман

Жамоатдаги Етакчиликни Тушунии,

Марк Девер

УШБУ МУАЛЛИФЛАРНИНГ УШБУ
МАВЗУЛАРГА ДОИР ҚУЙИДАГИ
АСАРЛАРИГА МУРОЖААТ
ЭТИШИНГИЗ МУМКИН:

Жамоатинингиз Аъзоларини Бўшатманг:

Конгрегационализм Ҳақида,

Жонатан Лиман

Омма Олдига Чиқиши:

Нима Сабабдан Жамоатга Аъзо Бўлиши Учун

Чўмдирилиши Талаб этилади,

Бобби Жаэмисон

Баптист Асослари:

Анти-Институционал

Аср учун Жамоат Бошқаруви,

Марк Девер ва Жонатан Лиман, мухаррирлар

Ваъз қил:

Теологиянинг Амалиётга Мос Келиши,

Марк Девер ва Грег Гилберт

Жамоат:

Хуихабарнинг Намоён Бўлиши,

Марк Девер

КИРИШ

Маҳаллий жамоатда йўлбошчилик масаласи ўта муҳим мавзудир.

Ҳеч бўлмаганда, Масихнинг жамоатга нисбатан севгиси ҳақида ўйланг. У Ўзини жамоат учун қурбон қилди. У жамоатни Ўзининг танаси сифатида кўради. У Ўзининг Каломи, Руҳи ва хизматлари орқали у ҳақда ғамхўрлик қилишни ва уни таъминлашни давом эттиради. У охиратда жамоатни Ўзининг нурафшон келини сифатида намоён қилишга ваъда берган. Агар буларнинг барчаси ҳақиқат бўлса, жамоатга йўлбошчилик қиласиганлар олий ва муқаддас масъулиятга эгалар. Келиннинг ёрдамчилари уни куёв олдига йўлак бўйлаб юриб боришига қандай тўла ғамхўрлик билан тайёргарлик қўришлари ҳақида бир ўйлаб кўринг.

Масих Ўзининг йўлбошчиларидан келинини тайёрлашда бундан кам бўлмаган ғамхўрликни кўрсатишларини хоҳлади. Шу сабабдан, Худонинг Каломи жамоат йўлбошчилиги ҳақида нима дейишини ўрганиш, фикр юритиш ва ибодат қилишга вақт сарфласа арзиди.

КЕЙИНГИ КАТТА НАРСА

Албатта, жамоат йўлбошчилиги низоли масала бўлиши мумкин. Битта эски жамоатда ёш чўпон йўлбошчилик тузилишини (структурасини) ўзгартиришни тавсия қилганда қандай жавоблар бўлишини яхши тасаввур қилиш мумкин. Бир неча йил олдин, Биринчи Баптист Ҳюстон Жамоати истефодаги чўпони Жон Бисагнонинг таъкидлашича, жамоатни бошқариш мавзуси ҳозирги кунда Баптист жамоатларидағи энг низоли мавзулардан биридир.

Муаммонинг бир қисми шундан иборатки, ҳар замонда чўпонларга аталган конференсиялар ҳамда нашриётлар *кейинги катта нарса* билан ҳаммани жумбишга келтиришади

ва одатда корпоратив (иш) дунёдан кириб келади. Кўйида 1950 йилларда хизмат қилган бир чўпон ўзининг йўлбошчилик структурасини тасвиirlаб беради. У жамоатни тасвиirlаяптими ёки банкними?

Друид Хиллс Жамоатининг чўпони бўлганимда амалга оширган биринчи ишим – Чўпон Маҳкамасига асос солиш бўлган. У жамоат ҳаётига даҳл қиласидиган барча бўлимларнинг бошлиқларидан – Хизматчилар (диаконлар) кенгашининг Раиси ва Раис Ўринбосари, Молия Қўмитаси Раиси ва Раис Ўринбосари, Ишончли Вакиллар Раиси, Швейсарлар (келувчиларни кутиб олиб ўриндиқларга жойлаштирувчилар) Кенгashi Раиси, Котиб, Ғазначи, Ижтимоий ёрдам Қўмитаси Раиси, Якшанба Мактаби Директори, Ўқитиш Уюшмаси Директори, Аёллар Миссионерлик Жамияти Президенти, Биродарчилик Президенти, Мусиқа Хизматчиси, Мусиқа Қўмитаси Раиси, Мехмонлар Китоби Қўмитаси Раиси, Ёшлар

Кенгашы Раиси, Кутубхоначи ва Жамоат
Ходимларидан ташкил топган.¹

Биз ўзимизнинг корпоратив ташкилий тузилмаларимиз борасида нақадар амин бўла оламиз!

Олдинроқ яшаб ўтган масиҳийлар жамоатларимиздаги каломий бўлмаган ташкилотларнинг структураларини қўллаб кувватлаган бўлишармиди? Улар йўлбошлик ва бошқарувнинг баъзи масалаларини оқилона қарорга қолдириш кераклигини тан олишган, албатта. 1742 йилдаги Филаделфия Баптист Иқрорномаси бўйича, Муқаддас Китобда имон ва ҳаёт учун керак бўлган барча нарса, шу жумладан, жамоат қандай ташкил этилиши кераклиги ҳам “аниқ қилиб ёзиб қолдирилган”. Лекин кейин, иқрорномада “Худони олқи-шлаш, жамоатни бошқаришга доир, инсон фаолияти ва жамиятлар учун умумий бўлган баъзи шароитлар бор, бу шароитларда интуи-тив равишда ва масиҳий оқиллик билан, ҳар доим риоя қилиниши керак бўлган Каломнинг

умумий қоидаларига асосан тартибга солиниши керак”лиги тан олинади. Бошқача қилиб айтганда, жамоат бошқаруви масаласида баъзи “кенглик”ларга йўл қўйиш мумкин. Масиҳийлар ҳар доим буни тан олишади.

Лекин, шу билан бирга, Муқаддас Китобда маҳаллий жамоат бошқаруви ҳақида маҳсус кўрсатмалар берилганини ҳам тан олишади. Шунинг учун, йўлбошчилик бир контекстдан иккинчи контекстга ўтишда қандай ўзгаришларга дуч келиши ҳақида ўйлаб кўп вақт сарфлашдан олдин, биз Муқаддас Китоб ҳар биримизга нима дейишига диққат қилишимиз керак.

УШБУ КИТОБНИНГ МАҚСАДИ Муқаддас Китоб қандай йўлбошчилик намунасини тавсия этади?

Бир неча йил олдин мендан жамоат бошқаруви мавзусидаги “Ҳар хил қарашлар” китобига ўз ҳиссамни қўшишимни сўрашган эди. “Ҳар хил қарашлар” китобининг мақсади ҳар хил анъаналар вакилларидан

ўз қарашларини сўрашдан иборат. Улар фойдали бўлиши мумкин, лекин мен уларга рад жавобини бердим. Муаммо шунда эдики, муҳаррир мендан ё “катта чўпон”нинг қарashi, ё “жамоат” қарashi, ёки “кўпчилик оқсоқоллар”нинг қарашини тақдим эта олишимни сўраган эди. Аслида, мен ишона-манки, Муқаддас Китоб буларнинг барини мақуллайди. Жамоатлар катта ёки етакчи чўпон ҳамда кўпчилик оқсоқоллар жамоатчилик контекстида йўлбошчилик қилишларидан манфаатдор. Биз ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб, бир-биримизни мустаҳкамлаб, жамоат ҳаётида ҳар биримизнинг катта меҳнатларимизга муҳтожмиз.

Жонатан Лиман ўзининг *Жамоат Ҳокими-ятини Тушунни* китобида (бу ҳам ушбу китоб тегишли бўлган тўпламга киради) асосий вақтини жамоат ҳокимиятини муҳокама қилишга сарфлайди. Лекин, у муҳокамани кўпчиликдан иборат оқсоқолларнинг йўлбошчилиги контекстига жойлаштириб хulosा ясайди. Ушбу китобда эса, мен бунинг аксини

амалга ошираман. Мен кўпроқ вақтимни оқсоқоллар йўлбошчилиги муҳокамасига сарфлайман (хизматчилик - диаконлик билан бирга), лекин ушбу муҳокамани жамоатчилик контекстига жойлаштириб хулоса ясайман. Диаконлар ва оқсоқоллар кимлар? Улар нима иш қилишади? Улар бир-бирларига қандай алоқадор ва оқсоқоллар бир бутунлик сифатида жамоатга қандай алоқадор? Менинг аввалги *Худо Улугворлигининг Намоён Бўлиши* китобимни ўқиган бўлсангиз, ундаги бир қанча материалларни бу ерда топишингиз мумкин, лекин йўлбошчилик мавзуси атрофига қайта шакллантирилган ҳолда.

Бир муддат шахсан Баптист чўпон сифатида гапирадиган бўлсам, мен оқсоқоллар жамоат аъзоларини жамоатдаги ўз ваколат ва мажбуриятларини бажариш учун қуроллантиришга фойдали эканлигининг гувоҳиман. Улардан шунчалик тайёр турган бир пайтда, нима учун биттагина таълим берувчи ва чўпон бўлиши керак? Кўп инъомлар! Кўпроқ қуроллантиришлар амалга оширилмоқда!

Күпроқ муқадdas имонлилар Худо ишини бажаришга күтарилмоқда!

Жамоатимизнинг Баптист деноминация-мизга қўшган ҳиссаси камайгани йўқ; улар ошди. Ушбу одамлар билан бирга хизмат қилиб чўпонлик йўлбошчилигимни обрўсизлантиргани йўқ; уни мустаҳкамлади. Биз ҳеч қачон чақалоқларни чўмдириш васвасасига йўлиқмадик! Бизнинг жамоатимиз хизматда сустроқ эмас, балки фаолроқ бўлиши. Ҳар бир оқсоқол ўз жамоати учун Масихнинг инъомидир.

ҲОКИМИЯТДАГИ ИНЬОМЛАР ҲАҚИДА

Албатта, ҳокимиятдагиларни инъом сифатида қабул қилиш, ҳар доим ҳам осон бўлмайди. Дунёда гуноҳ пайдо бўлганидан кейин ҳокимият тез-тез сунстеъмол қилиб келинган ва буни тан олиш ҳам тўғридир. Худонинг мақсадларидан ташқаридаги ҳокимият ҳар доим шайтонникидир.

Лекин, шу билан бирга, барча ҳокимиятни шубҳа остига олиш ҳам яхши эмас. Агар

биз Худо хоҳлагандек яшамоқчи бўлсак, биз Унга ишона олишимиз керак, бу ҳокимиятнинг ваколатли жойларида У қўйган йўз суратидаги шахсларга ҳам ишонишни ўз ичига олади. Муқаддас Китобда Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлаб, Вахийдаги разил хукмдорларгача бўлганлар Худо ҳокимиятини рад этиб ҳамда уни ўзлариники қилиб эгаллаб олганликлари орқали ўзларининг ёвуз асосга эга эканликларини намоён этишади.

Худодан берилган йўлбошчиларнинг хизматидан баҳраманд бўлиш жуда катта имтиёздир. Худодан берилган йўлбошчилик эса, инъомдир. Ҳокимиятни рад этиш, бугунги кунда жуда кўпчилик шундай қилгани каби, калтабинлик ва ўз-ўзини барбод қилиш билан баробардир. Ҳокимиятсиз дунё тийилмаган хоҳишлиар, бошқарувчи воситаси йўқ машина, светофори йўқ чорраҳа, қоидаси йўқ ўйин, ота-онаси йўқ уй, Худосиз дунё кабидир. У қисқа бир муддат яшashi мумкин, лекин, тез орада у маъносиз ва шавқатсиз бўлиб кўринади, кейин охири фожиавий якун топади.

Уни рад қилишга мойиллигимиздан қатыйй назар, Худодан берилган Каломий йүлбошчилик Худо улуғланадиган жамоат барпо этиш учун ўта муҳимдир. Бизнинг жамоатдаги йүлбошчилик фаолиятимиз Худонинг табиати ва характерига алоқадор. Биз оиласвий дастурхон атрофида, ишхонамизда, уйимизда ва айниқса, жамоатда қонуний ҳокимиятни түғри ифода этсак, биз Худонинг суратини дунёга намоён этишга ёрдам берамиз. Бу жамоат йүлбошчилариға тегишли даъватдир. Нақадар имтиёзлидир йүлбошчилик қилиш ва имтиёзлидир уларнинг ишини қўллаб кувватлаш!

1 БОБ

ДИАКОНЛАР КИМЛАР?

Келинг, бугунги кунда кўпгина жамоатларга таниш бўлган вазифадан бошлаймиз – бу диаконлик вазифасидир. “Диакон” сўзини эшиганингизда, сиз қандай жамоатдан келиб чиқишингизга қараб, ибодатхонанинг меҳмонларни қабул қилиш залидаги яхшилаб лакланган ҳашаматли стол атрофида ўтирган кулранг сочли банкирлар кўз олдингизда гавдаланиши мумкин ёки, эҳтимол, бу сўз илк жамоатнинг кундалик эҳтиёжларга доир хизматлар билан, хушхабарни етказиш ёки чўпонлик ғамхўрлиги билан шуғулланадиган хизматчиларни эслатиши мумкин.

Муқаддас Китоб кимларни диаконлар деб атайди?

“ДИАКОН”ГА ИЗОХ

Янги Аҳднинг замонавий таржималарида юонча *диаконос* сўзи одатда “хизматчи” сифатида таржима қилинган. Баъзан у “даикон” сифатида транслитерация қилинган. У, умумий маънода, хизматни англатиши,² алоҳида олганда, бошқарувчиларни,³ ёки моддий эҳтиёжлар учун ғамхўрлик қилишни⁴ англатиши мумкин. Янги Аҳдан маълумки, аёллар ҳеч бўлмаганда бу хизматлардан баъзиларини қилишлари мумкин.⁵ Фаришталар шу тарзда хизмат қилишади.⁶ У, баъзан, дастурхонга қарашиш хизматини ҳам англатган.⁷

Янги Аҳд дунёси хизматчиликка қандай қараши жиҳатидан бизникига ўхшашиб бўлган. Бошқаларга хизмат қилишни юонлар унча хуш кўришмаган. Бунинг ўрнига, улар ўзини-ўзи ҳурмат қилиш нуқтаи назари билан ўзларининг характери ва шахсиятини ривожлантиришни хуш кўришган. Бошқаларга даикон сифатида хизмат қилиш уларга “қул бўлиш” каби камситиладиган хизмат сифатида қаралган.

Шунга қарамай, Муқаддас Китоб ва Исо хизматни умуман бошқача таърифлайди. Агар биз Юҳанно 12:26даги асосий сўзларни таржима эмас, транслитерация қиласиган бўлсак, Исонинг қўйидаги сўзларини эшитамиз: “Ким менга *даикон* қилмоқчи бўлса, орқамдан юрсин. Мен қаерда бўлсан, *даиконим* ҳам у ерда бўлсин. Менга *даикон* қилган одамни Отам ҳурмат қиласди.” Матто 20:26да қўйидаги сўзларни эшитамиз: “Орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга *даикон* қилсин.” Матто 23:11да эса: “Орангизда ким бош бўлса, сизларга *даикон* қилсин.”

Аслида, Исо Ўзини диаконнинг бир намунаси сифатида тақдим этди.⁸ Муқаддас Китоб масиҳийларни Масиҳнинг ёки Масиҳ Хушхабарининг диаконлари сифатида таърифлайди. Ҳаворийлар ҳам диаконлар сифатида тасвиrlанган ва Павлус тез-тез ўзини ва у билан бирга ишлаганларни диаконлар деб атаган.⁹ У ўзини маъжусийлар орасидаги диакон деб атайди.¹⁰ Павлус

Тимўтийни Масихнинг диакони деб чақиради,¹¹ Бутрус эса, эски Аҳд пайғамбарлари биз масиҳийларга диаконлар бўлишган, деб таъкидлайди.¹² Муқаддас Китоб фаришталарни ҳам диаконлар деб чақиради. Шайтоннинг ҳам ўз диаконлари бор.¹³

Биз ҳар доим диаконлар хизмати билан оқсоқоллар хизмати ўртасидаги фарқни эҳтиёткорлик билан сақлашимиз керак. Бир жиҳатдан, оқсоқоллар ҳам, диаконлар ҳам “диаконлик” хизматида қатнашадилар, лекин хизмат икки хил умуман бошқа-бошқа шаклга эга бўлади, уларнинг иккаласини ҳам биз Ҳаворийлар 6-бобда кўришимиз мумкин. Ҳаворийлар “озуқа тарқатиш” билан банд бўлмасликлари кераклиги, чунки улар “Худонинг каломи хизмати”га масъул эканликларини айтиб ўтишади (2–4 оятлар). Бу иккала жойда ишлатилган хизмат сўзи (инглиз тилида улар *service* ва *ministry*) юнончада ягона ўзакга эга – бу албатта *диакон* сўзидир. Шундай қилиб, бизда анъанавий диаконлик (овқат улашиш, жисмоний хизмат)

ҳамда Калом “диаконлиги” бор. Иккинчисини бажаришга Ҳудо ҳаворийларни (кейинроқ эса оқсоқолларни) даъват этган.

Биз бу парчага кейинги бобда чуқурроқ назар соламиз. Лекин, Ҳаворийлар б бобда тасвирланган одамлар жамоатнинг овқат тарқатувчилари ва маъмурий ишларни бажарувчилари кабидирлар. Улар жамоатнинг моддий, жисмоний эҳтиёжларига гаъмхўрлик қилишга масъулдирлар. Жамоат диаконликнинг ҳар икки кўринишига – Каломга доир (оқсоқоллик) ва дастурхонга доир (диаконлик) – муҳтождир, токи улар бир-бири билан адаштирилмасин ва ҳеч бири эътибордан четда қолмасин. Жамоат Каломинг ваъз қилинишини ҳам, жамоат аъзоларига амалий ғамхўрлик кўрсатишни ҳам (бу бирликни мустаҳкамлашга ёрдам беради) назардан четда қолдирмасликлари лозим. Жамоат ҳаёти ва хизматидаги ҳар иккала аспект (жиҳат) ҳам муҳимdir. Жамоатимиизда диаконликнинг ҳар иккала тури фаолият кўрсатаётганига амин бўлиш

учун биз диаконлик хизматини оқсоқоллар хизматидан фарқлай олишимиз лозим.

ДИАКОНЛарНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳаворийлар 6-бобдан келиб чиққан ҳолда, айтишимиз мумкинки, диакон сифатида хизмат қиладиганлар “Муқаддас Рухга ва доноликка тўлиб тошган” бўлиши лозим (3 оят). Улар моддий нарсаларга алоқадор бўлишлари мумкин, лекин барибир бу руҳий хизматдир. Бундай руҳий донолик уларни жамоат манбаларини сурувнинг бирлигига хизмат қиладиган тарзда назорат қилишга қобилиятли қиласди. Улар жамоат томонидан танланиши ва уларнинг ишончига эга бўлиши керак. Улар хизматдаги маълум бир эҳтиёжлар учун масъулиятни зўр иштиёқ ва тиришқоқлик билан ўз зиммаларига олишлари лозим.

1 Тимўтий 3:8-13да Павлус диаконлар қандай бўлишлари кераклигини санаб ўтишда давом этади. Улар ҳурматга сазовор, самимий, майхўрлик ёки молпарастликдан йироқ, имон

ҳақиқати бўйича яшаб, барча ишни вижданан бажарадиган, синовдан ўтган ва камчиликсиз бўлган, хотинига вафодор, фарзандларини ва хонадонини яхши бошақарадиган инсонлар бўлишлари лозим.

“Хотинига вафодор” бўлиш буйруғи аёлларнинг диаконлик вазифаларида хизмат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Римликларга 16:1даги “диакон” Фива мисоли, Муқаддас Китобнинг бошқа жойларида аёлларга нисбатан ишлатилган “диакон” сўзи ва қайсиdir даражада, Баптист жамоатларидаги аёл диаконларнинг узоқ тарихи ўз жамоатимда аёлларнинг диаконлик хизматини ҳам йўлга қўйишимига туртки берган. Айтилганки, 1 Тимўтий 2 боб аёлларни оқсоқоллар сифатида хизмат қилишини тақиқлайди. Шунинг учун, агар жамоат оқсоқоллар ва диаконлар ролини адаштирса (буғунги кунда кўпгина Баптист жамоатларида бўлгани каби), биз унда аёлларни диакон сифатида тан олишга тўсқинлик қилган бўламиз. Оқсоқоллик ва диаконлик

вазифалари ўртасидаги фарқ яққол маълум бўлгандагина, биз опа-сингилларимизни диакон сифатида тан олинишларини bemalol қўллаб-қувватлай оламиз.

ТАРИХГА НАЗАР

Олимлар Ҳосил байрамидан кейинги бир неча ўн йилликдаги жамоатларнинг структуралари нақадар ўзгарувчан бўлганлигига қаршилар. Илк жамоатларда кўпгина оқсоқоллар ва кўпгина диаконлар бўлган. Павлус Филиппидаги жамоатга қандай мурожаат қилгани ҳақида фикр юритинг: “Филиппи шаҳридаги барча Исо Масихнинг азизларига ҳамда жамоат етакчилари (ёки оқсоқоллар) ва хизматчиларига (диаконларига) салом!” (Фил. 1:1).

Янги Аҳддан кейинги вақтларда ушба алоҳида хизматлар, яъни оқсоқоллар хизмати ва диаконлар хизмати, давом этган. Оқсоқолларнинг роли епископлар ва руҳонийлар ўртасида фарқлана бошланади, лекин ilk қўллётмаларда диаконларнинг епископ ва

руҳонийлардан кейин саналиши давом этади. Одатда уларга епископ ва етакчиларга ёрдамлашиш вазифаси қўйилган. Илк жамоатларда, диаконлик вазифаси, умумий қилиб айтганда, диаконнинг бутун ҳаёти давомида сақлаб қолинган кўринади. Шунга қарамай, ушбу хизматнинг вазифалари жойга қараб фарқланган.

Диаконлик вазифалари қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Жамоатда Муқаддас Китобни ўқиши ёки уни куйлаш;
- Қурбонликларни қабул қилиш ва ким берганини ёзиб қўйиш;
- Қурбонликларни епископларга, оқсоқолларга ва ўзларига; эрга тегмаган аёллар ва бева аёлларга; камбағалларга тарқатиш;
- Кутлуғ Кечликдаги нон ва косани тарқатиш;
- Йиғилишлар пайтида ибодатларни олиб бориш; кечликдан истеъмол

қилиши лозим бўлмаганларни маросим
бошланишидан олдин унга иштирок
этмасликларига ишора бериш.

Бу иккинчи асрдан олтинчи асргача бўлган
даврдаги диаконларнинг вазифаларини
умумлаштиради.

Монархик епископлик ривожлангани
сари, унинг остида монархик диаконлик ҳам
ривожланди. Епископнинг роли ошганидек,
архидиаконнинг ҳам роли ошди. Архидиакон
маълум бир жойдаги етакчи диакон бўлган ва
уни моддий масалалар билан шуғулланувчи
ўринбосар (епископ ўринбосари) сифатида
таърифлаш мумкин. Табиийки, Рим архиди-
акони ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлди.
Зўравонлар охир-оқибатда диаконлик лаво-
зимиға чирмашиб чиқишиди ва диаконлар
– айниқса, архидиаконлар – жуда бой бўлиб
кетишиди. Бошқаларга хизмат қилиши керак
бўлган одамлар, бунинг ўрнига бошқалардан
ўз хоҳиш-истаклари йўлида фойдалангандар
нақадар ачинарли ҳолат!

Бир неча сабаблар туфайли Ўрта Асрларда диаконларнинг таъсири пасайиб кетади. Эҳсон қилувчилар учун камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилиш кўпроқ Пургатория (католикларнинг қарашлари бўйича тозаланиш жойи) даги вактларини камайтириш мақсадида Худо назарида “савоб”га эга бўлиш воситасига айланади.

Православ Черкови шу лавозимда хизмат қилган диакон – ҳаваскорларни ҳар доим алоҳида ажратган. Шунга қарамай, Ғарбда, Ўрта Асрларнинг охирларида диакон бўлиш руҳоний этиб тайинланиш йўлининг биринчи қадамига айланади. Рим Католик ҳамда Епископал черковларида диаконлар ҳозир ҳам худди шундай – тўлақонли руҳоний бўлишдан олдин диаконлар сифатида хизмат қиладиган амалиётчи хизматчилардир. Шунга қарамай, Иккинчи Ватикан Кенгashi бошқачароқ, яни доимий каломийроқ бўлган диаконлик тури Рим Католик Черковида бўлиши мумкинлигини қайта кўриб чиқди.

Мартин Лютер жамоатнинг моддий эхти-ёжлари, айникса, ночорлар ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифасини қайта тиклайди, шундай бўлсада, Лютеран жамоатлари Янги Аҳднинг диаконлик ғоясини қайта тикламайди. Бугунги кунда, Лютеран жамоатларида, амалиётлар фарқлидир. Баъзи жойларда диаконлар тайинланишмайди, лекин бошқа жойларда, ҳар қандай тайинланган ёрдамчи хизматчи диакон деб аталади, хусусан, чўпонга ёрдамлашиш ва хушхабарчилик вазифаларига эга бўлган хизматчилар ҳам.

Кўпгина евангел (инжилчи) Протестант жамоатларида Реформация пайтида диаконлар ва оқсоқоллар ёки чўпонларни фарқлаш каломий амалиёти ўсиб борган. Кембридждаги Мартин Бусер каби баъзи Протестантлар диаконларнинг вазифалари қайта белгиланиши кераклигини таъкидлашади. Уларнинг айтишича, диаконлар лойик ва нолойик камбағалларни фарқлаш учун ишлашлари керак. Улар муҳтоҗликларни алоҳида ўрганиб чиқиб, кимдирга ғамхўрлик

қилишни, кимдирга эса, рад қилишни билиши керак. Улар жамоат аъзолари томонидан берилган маблағларнинг ёзма ҳисоботини юрутишлари керак.

Пресбiterиан жамоатларда диаконлар ночор ва касаллар учун эҳсонларни амалга оширишади ва уларга ғамхўрлик қилишади (ҳатто бу вазифаларни ҳозирда дунёвий давлат ўз зиммасига олган бўлсада). Диаконлар оқсоқоллардан алоҳида бўлиб, уларга жавобгардирлар.

Кўпгина Баптист ва конгрегацион жамоатлар ҳам бир пайтда бу икки лавозимни бир-биридан фарқлаб, бу каломий қарашни борган сари кўпроқ тиклашмоқда. Лекин, баъзи бошқа жамоатларда, оқсоқолларнинг иши диаконларга топширилмоқда. Улар турли хил ишларда, айниқса, Қутлуғ Кечликни тарқатаётганда, чўпонларга ёрдам беришади ва улар ривожланиб жамоатнинг моддий ҳамда ижроия масалалари бўйича кенгашга айланишган, хусусан, оқсоқоллар кенгаши бўлмаган (вақт ўтиб йўқолиб борган)

жамоатларда. Диаконлар, одатда чегараланган муддатда фаол хизмат қилишади, лекин улар-нинг “диакон” этиб тайинланиши, аслида, доимий бўлади.

Юқорида баъзи жамоатлар буни қандай қилишганини кўриб чиқдик. Муқаддас Китобда биз амалиётларимизни ислоҳ қилишимиз учун қандайдир кўрсатмалар мавжудми?

2 БОБ

ДИАКОНЛАР НИМА ИШ ҚИЛИШАДИ?

Кўриб чиққанимиздек, Янги Аҳдда диаконнинг хизматига кўп маротаба дуч келамиз. Шунга қарамай, диакон қиладиган иш, эҳтимол, Ҳаворийлар б бобда энг аниқ тасвирланган.

"Шу вақт давомида шогирдларнинг сони ортиб бораверди. Аммо шу пайтда юнонзабон ва оромийзабон имонли яхудийлар орасида зиддият пайдо бўлди. Юнонзабон яхудийлар: "Кундалик озиқ–овқат тақсимланганда, бизнинг беваларимиз эътибордан четда қоляптилар", деб эътиroz билдирилар. Ўн икки ҳаворий жамики шогирдларни

ийғиб, уларга шундай дедилар: — Биз Худонинг каломини вაъз қилишни бир четда қолдириб, озуқа тарқатиш билан овора бўлишимиз тўғри эмас. Биродарлар, орангиздан етти кишини танланглар. Улар обрў—еътиборга эга, Муқаддас Рухга ва доноликка тўлиб—тошган бўлсин. Уларни бу хизматга тайин этайлик. Биз эса ўзимизни ибодатга ва Худонинг каломи хизматига бағишлийлик. Уларнинг гапи бутун жамоага маъқул бўлди. Жамоа имонга ва Муқаддас Рухга тўла Стефанни, шунингдек Филип, Прохор, Никанор, Тимон, Пармен ва яҳудий динига кирган Антиохиялик Николайни танладилар. Улар бу одамларни ҳаворийларнинг олдига турғизиб кўйдилар. Ҳаворийлар уларга кўлларини қўйиб, ибодат қилдилар. Шундай қилиб, Худонинг сўзи ёйилиб бораверди. Шогирдлар сони Куддусда кўпайди. Руҳонийларнинг кўпчилиги имонга келдилар." (1–7 оятлар)

Диаконлик хизматига ном берилмаган, лекин ушбу етти киши нима қилишини

тасвирлаш учун асл матнда *диакон* феъли ишлатилган (З оятда). Бу ерда хизматга тайинланган етти киши расман диаконлар бўлишмасада, бу парча диаконлик хизматининг уч жиҳатини кўришимизга ёрдам беради.¹⁴

ЖАМОАТНИНГ МОДДИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ

Биринчидан, диаконлар жамоатнинг моддий эҳтиёжлари учун ғамхўрлик қилишади. Баъзи бева аёллар кунлик озиқ-овқат тақсимланганда эътибордан четда қолаётган эдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, “диакон” сўзи хизматчини англатади ва у ўша пайтда дастурхонга хизмат қиласиган ёки бошқа турдаги хизматларни, асосан, жисмоний ёки моддий хизматларни бажарадиган одамларга нисбатан ишлатилган. Ҳаворийлар бу хизматни “моддий юмушларни бажариш” ёки сўзма-сўз – “дастурхонга диаконлик (хизмат) қилиш” дея таърифлашган.

Ҳаворийлар 6 бобдаги диаконлар эҳтимол барча диаконлик хизматларини ўзлари бажаришмаган. Балки, ушбу бир неча диаконлар жамоатдаги ўша бевалар эътибордан четда қолмаслгини таъминлаш учун, эҳтимол, бошқа аъзоларнинг ишларини ташкил этишган ва кўмаклашишган. Ахир, Куддусдаги жамоатнинг минглаб аъзолари бўлган.

Одамлар учун, айниқса, жамоатимизнинг бошқа аъзолари учун ғамхўрлик қилиш муҳимдир, бунинг учта сабаби бор: 1) Бу уларнинг моддий фаровонлиги йўлида хизмат қиласди; 2) бу уларнинг руҳий фаровонлигига хизмат қиласди; 3) бу ташқаридаги дунё учун гувоҳлик бўлиб хизмат қиласди. Исонинг қуидаги сўзларини эсланг: "Агар бир–бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади" (Юҳанно 13:35). Ҳаворийлар 6-бобдаги кўрсатилган моддий ғамхўрлик Исонинг севгисини намоён этади.

ТАНАДАГИ БИРЛИК УЧУН ИШЛАШ

Мұхтожларга йўналтирилган ушбу биринчи мақсад орқасидан Ҳаворийлар 6 бобда биз бир бутун бадан учун каттароқ мақсадни кўришимиз мумкин: диаконлар жамоат танасининг бирлиги учун ишлашади.

Ушбу етти кишига қандай вазифалар юкланганига яна бир марта эътибор беринг. Улар беваларга озиқ-овқат тарқатишни одиллик билан амалга оширишлари керак эди, тўғри. Лекин, бу нима учун муҳим аҳамиятга эга? Чунки, ушбу моддий масалага эътиборсизлик, Масих танасидаги руҳий парокандаликка сабаб бўлаётган эди. Эътибор берган бўлсангиз, парча жамоатдаги бир гурӯҳ одамларнинг бошқа бир гурӯҳга нисбатан шикоятидан бошланади. Бу ҳаворийларнинг дикқатини ўзига тортади. Улар, шунчаки, жамоатдаги бир хайрихохлик хизматига доир муаммони ечаётган эмасдилар. Улар жамоат бирлигининг дарз кетишини тўхтатмоқчи эдилар. У алоҳида хавфли кўринишга эга бўлиб, маданий-этник

жиҳатдан бўлинишни ўзида акс эттираётган эди. Шунинг учун, диаконлар жамоатдаги бўлинишни йўқ қилиш учун тайинланадилар.

Ростдан ҳам, бир-биримизни қўллаб-куватлаш ва бир-биримизга далда беришимиз, бу Худо Руҳининг Ўз жамоатига берадиган инъомларининг мақсадидир (Рим. 1:11–12). Павлус Коринфликларга мактубида уларнинг инъомлари “умумий манфаат учун” ишлаши кераклигини айтади (1 Кор. 12:4–7, 12). У яна уларга шундай дейди: “Модомики сизлар Рух берадиган инъомларга эга бўлишга интилаётган экансизлар, бутун жамоатнинг имонини мустаҳкамлайдиган инъомга бой бўлиш пайида бўлинглар” (1 Кор. 14:12). Озгина кейинроқ у қўшимча қиласди: “Буларнинг ҳаммаси жамоатнинг имонини мустаҳкамлаш ниятида қилинсин” (14:26). Жон Калвин, 14 бобни изоҳлаб қўйидагича ёзади: “Инсон қанчалик кўпроқ ўзини умумий ривожлашишга бағишиласа, Павлус уни шунча кўпроқ ҳурмат қилинишини хоҳлайди.” Шунинг учун, Бутрус, қўйидагича буюради: “Худо

сизларга берган инъомлар билан бир-бир-ларингизга хизмат қилинглар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглар” (1 Бут. 4:10). Худди шунга ўхшаб, Ҳаворийлар бобдаги диаконларнинг хизмати жамоатнинг бирлиги учун ишлаб, Масих танасини “барпо этиш” демакдир.

Буни жамоатимизда қўлласак бўлади: жамоатингиздан қўнгли тўлмаган одамларни диаконлар сифатида хизмат қилишини хоҳламайсиз. Диаконлар ҳеч қачон энг баланд овозда шикоят қиласидиган ҳамда ўз ҳаракатлари ёки муносабатлари билан жамоатингизга ўз норозилигини билдирадиган одамлар бўлмаслиги керак. Бунинг мутлақо акси! Диаконлар худди машина овозини пасайтирувчи (глушител) ёки унинг амортизатори каби бўлишлари керак.

Яна бир сабоқ: Сиз фақат ўзининг иши, хизмати ҳақида қайғурадиган ёки тор дунёқарашга эга бўлган одамларни диаконлар сифатида хизмат қилишини хоҳламайсиз. Сиз фақатгина ўз хизмати соҳаси ва ўша соҳадаги

имтиёзлари ҳақида ўйлайдиганларни эмас, балки, бутун жамоат учун қайғурадиган одамларни хоҳлайсиз. Түғри, улар фақатгина ўз соҳаларига тегишли эҳтиёжларни қондирадилар, лекин улар буни бутун жамоат номидан ва ушбу бутунликнинг соғломлигига таъсир қиласидиган тарзда амалга оширадилар. Улар худди лоббистларга ўхшаб бошқаларга қанчалик қимматга тушиши ҳақида ўйламасдан, фақатгина ўзларинининг манфаатлари ҳақида ўйлайдилар. Аслида, улар ўзлари билан бирга ишлайдиган одамларга ўша ишни “бутун”личиға бирлаштириш ва тузатишнинг бир қисми сифатида кўришларига ёрдам берадилар.

Диаконлар меҳрибонлик ва севгига тўла хизмат иплари билан жамоатни бир бутунликка боғлайдилар. Улар жамоатни бунёд этувчилардир.

КАЛОМГА ДОИР ХИЗМАТГА КЎМАКЛАШИШ

Учинчидан, Ҳаворийлар 6 бобда хизматга тайинланган етти киши Калом хизматига

кўмаклашиш учун ишлаганлар. Ҳаворийлар моддий муҳтожликлар ҳақида ғамхўрлик қилиш бутун жамоатнинг жавобгарлиги эканлигини ва шунинг учун, қайсиdir даражада уларнинг ҳам жавобгарлиги эканлигини тан олишган. Лекин, улар Калом ва ибодат хизматига қатнаша олишлари учун бу жавобгарликни жамоат ичидаги бошқа гурӯхга топширишган.

Улар асосий таълим берувчилар амалга оширишга имконияти бўлмаган вазифаларни бажаришга ёрдамлашиш орқали жамоатга бир бутунлик сифатида хизмат қиласиган хизматчилар бўлишган. Шу тарзда улар Калом хизмати билан шуғулланувчиларга кўмаклашишган ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлашган.

Яна бир сабоқ: сиз Каломни ваъз қилиш ва таълим бериш хизматининг муҳимлигини тан олмайдиганларни диакон қилиб тайинлай олмайсиз, аксинча, улар буни қаттиқ ҳимоя қиласиган одамлар бўлишлари керак. Кенгроқ қилиб айтганда, сиз

жамоатдаги энг яхши қўллаб-қувватловчи одамларни диаконлар сифатида хизмат қилишини хоҳлайсиз. Шунинг учун, ким диакон сифатида хизмат қилиши мумкинлигини ўйлаётганингизда, далда бериш инъомига эга бўлган одамларни изланг.

Менинг жамоатимда, Вашингтонда, биз диаконларимизни кенгаш берувчи орган сифатида эмас, жамоатда керак бўлган маълум бир хизматларни мувофиқлаштирувчи одамлар сифатида тан оламиз. Янги Аҳднинг ҳеч бир жойида иккита кенгаш берувчи орган бўлиши ва улар кўпгина амалий қийинчилкларга эга бўлиши ҳақида кўрсатмалар берилмаган. Бунинг ўрнига, бизда меҳмондўстлик хизматимизни назорат қиласидиган битта диакон бор: бошқа бири хизматимизни веб-саҳифа орқали мувофиқлаштиради, яна бири овоз тизмлари учун жавобгар; яна бошқа бири эса, машиналар тўхтаб туриш жойини назорат қиласиди ва ҳоказо. Буни ёзаётганимда ҳозир бизда жами йигирма иккита ҳар хил диаконлар бизга диаконлик лавозимида хизмат қилмоқдалар. Биз

вақти-вақти билан ишни мувофиқлаштириб борамиз, масалан бошқа керак бўлмаган хизматларни ёпамиз ёки ривожланиб, кенгайиб бораётганларини икки ва ҳатто учта хизматга бўламиз; болаларга қарааш ва овоз хизмати диаконлари билан худди шундай йўл тутдик. Жамоатда янги муҳтожлик ёки имконият пайдо бўлса, биз ўша муҳтожликка хизмат қилиши учун янги диаконлик лавозимини жорий этамиз. Жамоатимда ишлайдиган ҳар хил диаконлик лавозими иш вазифалари намунасини кўриш учун иловага қаранг.

Шу билан бирга, биз умид қиласизки, ушбу диаконлар жамоатнинг кадрлар манбасидан самарали фойдаланувчи етакчилари бўладилар. Уларнинг мақсадларида бир бутун танани ўрганиб чиқиш ётади, токи улар жамоат хизматини бир бутун сифатида олдинга юритишга бошқаларни рағбатлантириш учун ишлай олсинлар. Улар бизга кўрсатаётган бу хизмат жуда қадрли. Улар диакон сифатида хизмат қилаётганда, бунга ўзларининг жамоатдаги асосий хизматлари

сифатида қарашлари лозим. Лекин, бундай хизматчилар бошқа биродар ва опа-сингиллар юракларида хизматчиликка хохишиңи шакллантирганларида жамоат учун нақадар ажойиб марҳамат бўла оладилар! Ўзларининг фаолият ва ижодлари орқали диаконларимиз бу лавозимда хизмат қилиб тугатганларидан анча кейин ҳам жамоатимизга марҳамат бўлиб қоладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Аҳдда диаконлик хизматининг уч жиҳати биргаликда келтирилади. Биз уларни Ҳаворийлар 6 бобда кўриб чиқдик – бу моддий мухтожликлар ҳақида ғамхўрлик қилиш орқали Масиҳ танасини, Калом хизматчилари раҳнамолиги остида, бирлаштиришdir. Улар далда берувчиilar, тинчлик ўрнатувчilar ва хизматкорлар бўлишлари керак. Жамоатимда оқсоқоллар эҳтиёж туғилганда эркак ёки аёлни бу лавозимга тайинлашади ва улар ушбу хислатларга эга бўлган бирон кишини топишади. Кейин жамоат ушбу тайинловларни тасдиқлаш учун овоз беришади. Диетрих Бонҳоеффер

айтганидек “Жамоатга зўр шахслар эмас, балки, Исонинг ва биродарларнинг садоқатли хизматкорлари керак.”¹⁵

З БОБ

ОҚСОҚОЛЛАР КИМЛАР?

Диаконлар сингари муҳим бўлган ва ҳатто масиҳийлар сифатида ҳаётимизга жамоатларимизда фундаментал таъсирга эга бўлган бошқа гуруҳ хизмати – бу оқсоқоллик хизматидир. Янги Аҳдда оқсоқол, чўпон ва устоз сўзлари бир-бири билан ўзаро алмашса бўладиган ҳолда ишлатилган, мен ҳам улардан худди шу тарзда фойдаланаман (Ҳав. 20:17, 28; 1 Бут. 5:1–2; ҳамда Эфес. 4:11га қаранг).

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ КЎПЛИГИ

Махаллий жамоатнинг чўпонлари ёки оқсоқоллари ҳакида таъкидлаш лозим бўлган биринчи нарса бу уларнинг кўпликда ишлатилишидир. Янги Аҳдда бирон бир жамоатда

оқсоқолларнинг аниқ сони ҳеч қачон тилга олинмаган, лекин у мунтазам равишида қўплик шаклида учрайди:

- "Улар ҳар бир имонлилар жамоатига оқсоқоллар тайин қилдилар. Сўнг ибодат қилиб ва рўза тутиб, оқсоқолларни ўзлари ишонган Раббимиз Исонинг паноҳига топширдилар." (Ҳаворийлар. 14:23; ҳамда 11:30; 15:2, 4, 6, 22–23га ҳам қаранг);
- "Улар шаҳарлар оралаб ўтганларида, Куддусдаги ҳаворийлар ва оқсоқоллар қарор қилган қоидаларни имонлиларга етказиб, буларга риоя қилинглар, деб айтишарди." (Ҳаворийлар 16:4);
- "Павлус Милитдан Эфесга хабар юбориб, имонлилар жамоатининг оқсоқолларига: “Менинг ҳузуримга келсангизлар”, деб илтимос қилди.” (Ҳаворийлар 20:17);
- "Кейинги қуни Павлус биз билан бирга Ёкубни кўргани борди. Барча жамоат

оқсоқоллари ҳам у ерда йиғилишган эди." (Ҳаворийлар 21:18);

- "Үзингга берилган инъомга эътиборли бўл, уни ишга сол. Ахир, сен бу инъомингни айтилган башоратлар ва оқсоқоллар бошингга қўл қўйиб қилган дуолари натижасида олгансан." (1 Тим. 4:14; ва 5:17га ҳам қаранг);
- "Қолган ишларни битиришинг учун мен сени Крит оролида қолдирган эдим. Сенга буюрганимдек, оролнинг ҳар бир шаҳридаги имонлилар жамоати устидан оқсоқоллар тайинлагин." (Титус 1:5);
- "Орангизда касал бўлган борми? Жамоат оқсоқолларини чақириларсан. Улар ибодат қилиб, Раббимиз Исо номи билан bemornинг бошига зайдун мойини суртсинлар." (Ёқуб 5:14);
- "Эй жамоат оқсоқоллари, энди сизларга бир насиҳатим бор. Мен ҳам сизларга ўхшаган оқсоқолман." (1 Бут. 5:1).

Мисоллар деярли бир хил шаклга эга ва далиллар ниҳоятда кўп. Умуман олганда, оқсоқолнинг бирликда ишлатилишини фақатгина 2 ва 3 Юҳаннода (бунда муаллиф ўзини оқсоқол деб атайди) ҳамда Павлуснинг Тимўтийга ёзган 1 мактуби 5 бобида (“бир оқсоқол”га қарши қўйилган айбловга доир кўрсатмалар берганда) учратиш мумкин. Янги Аҳдда жамоатлар, ягона оқсоқол томонидан эмас, асосан, бир хил шаклда оқсоқоллар органи томонидан йўлбошчилик қилиниши намоён бўлади

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ким оқсоқол бўлиши керак ва у қандай хусусиятларга эга бўлиши керак? Павлус 1 Тимўтий 2 ва 3 бобларда ҳамда Титус 1 бобда бу ҳақда гапиради.

Павлус 1 Тимўтий 2:12да “Хотин эркакка таълим беришига ва унинг устидан ҳукмронлик қилишига рухсат бермайман. Хотин сукут сақласин.” Павлус бу ерда ҳукмронлик қилишнинг қандай кўринишини назарда

тутган бўлишидан қатъий назар, у жамоатда аёллар эркакларга таълим берини хоҳлаган ва бу оқсоқоллик лавозими фақатгина эркаклар учун банд этилганлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, илк жамоат эркак киши аёл киши устидан ҳокимиятга эга қилиб яратилганини инобатга олиб, бу тартибни жамоат амалиётида намоён этган.

Галатияликлар 3:28 ҳақида нима дейсиз, бу ерда Масихда на аёл ва на эркак борлиги ҳақида гапирилган-ку? Бу жойда бизнинг фақатгина иноят орқали нажотга эришганлар сифатида Худо тахти олдида тенг қадрга эга эканлигимиз назарда тутилган. Бу жинслар орасидаги барча фарқларни йўқ қилишни ҳам, болани дунёга келтиришдаги аёл ва эркакнинг ҳар хил ролини йўқ қилишни ҳам англатмайди.

Павлус 1 Тимўтий 3 бобда хусусиятларнинг тўликроқ рўйхатини тақдим этади (Титус 1:5–9га ҳам қаранг):

“Имонлилар жамоатининг етакчиси бўлишга интилган инсон олижаноб ишни

орзу қилган бўлади”, деган гап тўғри ва асослидир. Дарҳақиқат, бундай олижаноб вазифага тайнинланадиган инсон яхши ном чиқарган бўлиши шарт. У ўз хотинига вафодор, мулоҳазали, вазмин, одобли, меҳмондўст, таълим беришга қобилиятли бўлсин. У майхўр, жаҳлдор, жанжалкаш эмас, балки мулойим, пулпарамастликдан йироқ, хонадонини яхши бошқарадиган, фарзандлари унга бўйсуниб ҳурмат қила-диган бўлсин. Агар етакчи ўз хонадонини бошқара олмаса, Худонинг жамоатига қандай ғамхўрлик қила олади?! ЭндиGINA имонга кирган одам етакчи бўлмасин, тагин керилиб, иблиснинг ҳалокатли чангалига тушиб қолмасин. У жамоатга қарашли бўлмаган одамлар орасида ҳам ҳурмат-еътиборга эга бўлсин. Шунда у маломатга қолмайди, шайтоннинг тузоғига тушмайди.” (1 Тим. 3:1–7)

Ушбу рўйхат ҳақида фикр билдириб,
Янги Аҳд бўйича олим Д.А. Карсон ушбу

хусусиятлар нақадар одатиyllигидан ҳайратланади. Павлус минглаб одамларга вәз қила оладиган, миллионлаб одамларга хушхабар айта оладиган ва ёнаётган бинолардан етимларни қутқара оладиган одамларни сұрамаяпти. Аксинча, у ҳамма масиҳийларға тегишли хусусиятларни санаб үтяпти – “таълим беришга қобиلىятли” ва “ендиғина имонға келған бўлмаган”дан ташқари. Нима учун шундай бўлган? Чунки, оқсоқол бошқа масиҳийлар учун ўрнак бўладиган яшаш тарзини намоён этиши керак. Сиз оқсоқолнинг ҳаёт намунаси қандайдир эришиб бўлмайдиган нарса эмас, балки унга эргашса бўладиган бўлишини хоҳлайсиз.

Бу хусусиятлар оқсоқолни ташқаридаги одамларга мақтай оладиган хислатлар бўлиши ёки бу инсонни ўраб турган ўша пайтдаги маданият томонидан ҳам саховатли инсон сифатида тан олинишга сабабчи бўлишини ҳам инобатга олинг. Биз оқсоқолда кўришни хоҳлаган бошқа хислатлар ҳам бор, масалан, доимий тарзда Калом ўқиши

ва ибодат қилиш. Лекин, Павлус буларнинг биттасини ҳам тилга олмайды. Бу шуни англатадики, биз ушбу рўйхатни ҳар томонлама тўлиқ деб билмаслигимиз керак, бу жойда Павлус ҳатто имонсизлар ҳам яхши эканлигини тан оладиган хислатларга урғу беряпти. Буни Эфес жамоатидаги баъзи сохта устозларнинг яққол кўриниб турадиган диёнатсизлиги билан таққосланг (улар Худо жамоат орқали улуғланадиган бутун йўлини хавф остига қўйганлар).

Жамоатларимизда бундай етакчиларни қандай топамиз? Биз Худодан донолик беришини сўраб ибодат қиласиз. Биз Унинг Каломини, хусусан, 1 Тимўтий ва Титусдаги ушбу парчаларни ўрганиб чиқамиз. Масиҳ бундай инъомларни берганда, шу инъомларга эга бўлганларни аниқлаш ва буни тасдиқлаш учун кузатамиз. Биз уларни аниқлашда Масиҳ уларни беришига қараганда сустроқ бўлмаслигимиз керак.

Шу билан бирга, биз агар инсон дунёда яхши етакчи сифатида ўзини кўрсатганлиги

учун у жамоатда ҳам етакчилик қилишга мос келади деб, хулоса қилмаслигимиз керак. Жуда кўп жамоатлар бизнесда ёки корпоратив дунёда муваффақиятли бўлиб келган одамни хизматга тайинлаш тузогига тушадилар. Ос Гуиннеснинг бир япон бизнесменидан эшитган қўйидаги сўзларни эшитиш нақадар ачинарли - “Мен буддист етакчини учратганимда, муқаддас инсонни учратгандай бўламан. Масиҳий етакчини учратганимда эса менежер (иш бошқарувчи) ни учратгандай бўламан.”¹⁶

Жамоатлар яхши характер ва обрўга эга, Калом бўйича таълим бериш хизмати қўлидан келадиган ҳамда самарали инсонни излаши керак. Бу хусусиятлар жамоатимизнинг етакчиларини бошқалардан ажратиб туриши керак. Улар ўзлари учун эмас, балки бошқалар учун яшайдилар. Шунинг учун, улар пулни севувчи эмас, балки меҳмонларни севувчи бўлиши керак – меҳмондўстликнинг асл маъноси ҳам шунда.

ТАРИХГА НАЗАР

Барча жамоатларда, бошқа ном билан аталган бўлишса ҳам, оқсоқоллар вазифаларини бажарган шахслар бўлган. Ушбу лавозимнинг Янги Аҳддаги энг тарқалган икки номи *епископос* (етакчи, чўпон) ва *пресбутерос* (оқсоқол) бўлган.

Бугунги кунда евангелчи (инжилчилар) лар *оқсоқол* сўзини эшигтанда, улар одатда “Пресвитер” ҳақида ўйлашади. Оқсоқолларни Пресвительлар сифатида кўриш тарихан тўғри бўлсада, уларни фақатгина Пресвительлар сифатида кўриш тўғри эмас. Биринчи Конгрегационалистлар XVI асрда “оқсоқоллик” Янги Аҳд жамоатидаги битта лавозим бўлганлигини ўргатишган. Оқсоқолларни XVIII-XIX асрлар бўйлаб Америкадаги Баптист жамоатларида ҳам топса бўлар эди.¹⁷ Мисол учун, Жанубий Баптист Конвенсияси биринчи раиси В. Б. Жонсон, жамоат ҳаёти ҳақида ёзган китобида маҳаллий жамоатда кўпгина оқсоқоллар бўлиш кераклиги гоясини қаттиқ ҳимоя қилган.

Муқаддас Китобга диққатсизлик туфайлими ёки чегаралардаги ҳаёт босими (у ерларда жамоатлар шиддатли тезлик билан тарқалиб бораётган эди) туфайлими, каломга асосланған бундай етакчиликни етиштириш амалиёти Баптист жамоатларда йўқолиб борди. Лекин, Баптист мақолаларида ушбу каломий лавозимни қайта тиклашга чорлаш давом эттирилади. Ва ниҳоят, XX асрнинг бошларида, Баптист нашрлари етакчиларга “оқсоқол” мақоми билан мурожаат қиласидиган бўлди.

Шунга қарамай, ушбу амалиёт XX асрда Баптист жамоатлари орасида ноодатий бўлган бўлсада, ҳозирда унга қайтиш жараёни ўсиб бормоқда ва бу, албатта, яхшиликка. У Янги Аҳд жамоатларига керак бўлган ва у ҳозир ҳам бизларга керак.

4 БОБ

ОҚСОҚОЛЛАР НИМА ИШ ҚИЛИШАДИ?

Биз оқсоқоллар кимлар эканлигини күриб чиқдик. Күйида эса, улар нима иш қилишлари ҳақида гаплашамиз.

ОҚСОҚОЛЛАР ИБОДАТ ҚИЛИШАДИ

Жамоат оқсоқоллари жамоат аъзолари учун ибодат қиласидилар (Ёкуб 5:14; Ҳаворий-лар 6:4га қаранг). Худо оқсоқолларга сурув учун жавобгарлик беради, шунинг учун, улар ўз сурувлари учун шахсан биттама-битта, биргаликда йиғилиб ва умумий йиғилишда ибодат қилишлари керак.

Шахсан мен хизмат қилаётган маҳаллий жамоатим аъзоларини ҳар бирини севаман. Ҳар куни эрталаб бир неча вароқдан иборат жамоатимиз аъзолари рўйхатидагилар учун номма-ном ибодат қилиб чиқаман.

Жамоатимиздаги оқсоқоллар учрашувида биргаликда, бизнинг оқсоқолларимиз жамоат аъзолари учун ибодат қилишга салмоқли вақт ажратишади – балки, уч соатлик йиғилишнинг бир соатини ибодатга сарфлашади. Биз жамоатимиз аъзолари рўйхатидаги тақсимлаб олинган қисмлар бўйлаб, номма-ном ибодат қилиб чиқамиз. Кейин, маълум бир қийинчиликдаги қўзилар учун ибодат қиласмиз.

Жамоатимизнинг умумий йиғилишларида оқсоқоллар олқишилаш ибодатлари орқали Худони улуғлаш тарзини олиб боришади.

Улар миннатдорчилик ибодатлари орқали Худонинг садоқатини кўриш намунасини ўрнатишади, айниқса, оқсоқоллар Худонинг ишини кўра олиш мумкин бўлган катта лавозимда хизмат қилаётганлари учун бундай

имкониятга эгалар. Оқсоқоллар ибодатга олган жавобларни кузатишлари ва уларни жамоатга маълум қилишлари керак.

Улар, шу билан бирга, умумий йиғилишда гуноҳларига иқрор бўлиш ибодатлари орқали бошқаларга намуна бўлишади. Улар гуноҳга иқрор бўлиш орқали жамоатда Худонинг муқаддаслигини тан олишга ёрдам берадилар. Улар имонда мустаҳкам турган ёки турмаганликларини кўриш учун якка ҳолда ва омма олдида ўзларини текшириб туришлари лозим (2 Кор. 13:5). Уларнинг ўз юракларини шу тарзда текширишлари жамоатга Худонинг шафқати ва иноятини қадрлашга сабабчи бўлиши керак ва шу билан бирга, улар жамоатни Худо олдида ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, уларни тавба қилишга ундайдилар.

Шафоат ибодати, эҳтимол, оқсоқолнинг энг муҳим хизмати ҳисобланади. Одамларга Худо номидан гапириш учун, оқсоқоллар Худога одамлар номидан гапиришлари керак. Улар Худо Рухининг ҳаёт берувчи ишидан

бошқа ўзларининг самарасиз ҳатти-ҳаракатларидан эҳтиёт бўлишлари керак. Оқсоқоллар ибодат қиладилар ва ибодат қилишлари керак.

ОҚСОҚОЛЛАР ВАЪЗ АЙТАДИЛАР ВА ЎРГАТАДИЛАР

Оқсоқолларнинг бошқа асосий хизмати Худо Каломини жамоатга ваъз қилиш ва ўргатишdir.¹⁸ Оқсоқолларнинг хусусиятларидан бири таълим берш қобилиятидир (1 Тим. 3:2га қаранг). Оқсоқоллар жамоат йиғилишларини олиб бориш орқали таълим беришади. Улар эълонлар бериш ёки Муқаддас Китобни ўқиши орқали ҳам таълим берадилар. Улар омма олдида овоз чиқариб ибодат қилиш орқали таълим берадилар. Албатта, якшанба мактаблари дарсларини (болалар учунми ёки катталарап учунми – фарқи йўқ) олиб бориш орқали ҳам таълим берадилар.

Оқсоқоллар Худо Каломини ваъз қилиш орқали таълим берадилар. Фақатгина шу хизмат билан шуғулланиш учун ажратилган оқсоқоллар маҳаллий жамоат учун

ажойиб совғадирлар. Лекин, оқсоқолнинг асосий хизмати таълим бериш бўлиши учун у фақатгина шу хизмат билан шуғулланиш учун ажратилган бўлиши ёки асосий ваъз айтувчи чўпон бўлиши шарт эмас. Оқсоқоллар ўзларининг бошқалар билан олиб борадиган яккама-якка сухбатларида ҳамда ўз ёзувлари орқали ҳам таълим берадилар. Улар Муқаддас Китобни ўргатиш кичик гурухларида ва хушхабарчилик фаолиятларида таълим берадилар.

Мана шунинг учун ҳам, оқсоқоллар ўзларини Худо Каломини билишга бағишилаган одамлар бўлишлари керак. Забур 1, 18 ва 118 Санолар оқсоқоллар алоҳида ўзлари ёки биргаликда ўрганишлари учун яхши манбадир. Жамоат аъзолари яхши ҳимояланган, тайёрланган ва қуролланган бўлишлари учун оқсоқоллар Муқаддас Китобдаги ва ҳаётдаги муҳим мавзуларни яхши англашга ва тўғри тушунчага эга бўлишга ўзларини бағишилашлари керак.

Оқсоқоллар таълим берар экан, улар Хушхабар ташқаридан уларнинг қулоқлари ва юракларига қай тарзда кирган ва уларга нажот берган ҳолатни ўзларида намоён этишади. Оқсоқоллар жамоат аъзоларининг қулоқларига ҳам Худонинг ҳақиқатини гапиришади, кейин эса улар жамоатдаги эркак ва аёлларнинг юраклари томон ушбу ҳақиқатни етказиш мақсадида Худонинг Рухи қолган йўлни босиб ўтиши учун ибодат қилишади.

Оқсоқоллар Худонинг Каломини ўргатишади ва ваъз қилишади.

ОҚСОҚОЛЛАР ЧҮПОНЛИК ҚИЛИШАДИ

Оқсоқоллар нима иш қилишади деган саволга энг кенг қамровли жавоб бу “чўпонлик қилиш”дир (Ҳаворийлар 20:28; 1 Бут. 5:2). Янги Аҳдда юонон тилида чўпонлик қилишининг ҳам от шакли, ҳам феъл шакли бор. Чўпон (от), чўпонлик қиласи (феъл). Муқаддас Китобда бу билиш, боқиши, етаклаш ва ҳимоя қилишни билдиради.¹⁹ Қайсиdir даражада,

ҳар бир масиҳий чўпонлик қилишда иштирок этади (Рим. 15:14га қаранг). Баъзилар чўпонлик қилувчи сифатида тан олинган ва ушбу хизмат учун алоҳида ажратилганлар. Булар жамоатдаги оқсоқоллардир.

Чўпонлик қилиш сизга тегишли бўлмаган, лекин сизни устидан жавобгар этиб тайинланган одамлар учун ғамхўрлик қилишдир (Луқо 12:35–48га қаранг). Кимдир жамоатга қўшилганда бу нимани англатиши ҳақида фикр юритинг. Агар сиз оқсоқол бўлсангиз, сиз ўша инсон Худо томонидан қимматбаҳо қон эвазига сотиб олинганлигини биласиз, лекин у сизнинг жавобгарлигингиз остида бўлади. Ибронийларга 13:17да ёзилганидек, сиз бу каби шахслар учун Худога ҳисобот берасизлар.

Шунинг учун, оқсоқоллар ушбу жамоат аъзолари билан бирга қувонишади ва улар билан бирга йиғлашади. Оқсоқоллар кимдир ишидан айрилганда ёки муносабатларида қийинчиликка дуч келганда ўзлари ғамхўрлик қилаётган жамоат аъзолари учун намуна бўладилар. Агарда биронта имонли Худони

ёки Унинг Каломини нотүғри тушунганда, оқсоқоллар бу вазиятдан қониқиши ҳосил қилмайдилар ва ўзларини бундай имонлиларни парвариш қилишга бағишлийдилар.

Чўпонлик қилиш, ота-оналий қилиш сингари, сабр-тоқат талаб этади. Бу турдаги меҳнат биттагина ваъз билан ёки бир кунда амалга ошмайди. Баъзан, Худо битта ваъз ёки жиддий суҳбат орқали ҳам кескин ўзгаришлар олиб келиши мумкин. Лекин, оқсоқоллик иши, одатда, сурувни ям-яшил ўтлоқлар сари етаклаб бориш каби такрорий ва ҳар куни қайтариладиган ишдир. Бу ҳар куни овқат пишириш ёки болаларни мактабга олиб боришга ўхшайди.

Жамоат феъл-атворини шакллантиришдаги энг муҳим ишлардан баъзилари бу оқсоқоллар томонидан бажариладиган кичик, секин ва такрорий севги амаллари ва хизматлар: якшанба мактабидаги дарсни яна ўргатиш; ибодатни яна олиб бориш; бир хил саволга ўн маротаба ёки юз маротаба жавоб беришдан иборатдир.

Чўпонлик қилиш, шу билан бирга, ташаббусни ҳам талаб этади. Оқсоқол, шунчаки, одамлар қаҷон келиб унга саволлар ёки муаммолар билан мурожаат қилишини кутадиган, пассив бўлмаслиги керак. Оқсоқоллар уларга шундай саволларни бериши керак: “Ваъз сенга қандай таъсир қилди?” “Биргаликда тушлик қилишни хоҳлайсанми?” “У ёки бу одам қандай юрибди, хабаринг борми?” “Муқаддас Китобда Муқаддас Руҳнинг иши хақида нима дейилганини биласанми?” “Бу ҳақда ўқиб кўрганмисан?” “Мен Муқаддас Китобдаги ушбу парча устида ишлаётганимда меникига бир кириб ўтасанми?” “Мен билан бирга конспектларимни кўриб чиқишни ва улар бўйича фикр билдиришни хоҳлайсанми? Уларни янада яхшилашимга ёрдам берган бўлардинг.” “Отангни аҳволи қандай, хотининг яхшими, ҳали имонга келмаган касбдошинг-чи?” Бу ва бунга ўхшаш минглаб бошқа ташаббуслар Худо томонидан ўзганинг оқсоқоллик парваришида бўлган қўзини шакллантириш, қўллаб-қувватлаш,

унга далда бериш, уни тузатиш ёки етаклаш мақсадида ишлатилиши мумкин.

ОҚСОҚОЛЛАР ЎЗЛАРИ ВА ОИЛАЛАРИНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛАДИЛАР

Баъзан ҳатто энг яхши оқсоқоллар ҳам эътибордан четда қолдирадиган вазифа бу ўзларини эҳтиёт қилишдир. Лекин, Павлус Эфеслик оқсоқолларга “Ўзларингизни эҳтиёт қилинглар” (Ҳаворийлар 20:28) деб айтади.

Оқсоқол биродарим, ҳар куни Худонинг Каломини ўрганиш ва ибодат қилишга сарфлаган вақтинг албатта ўзинг учун, лекин бу сенинг маҳаллий жамоатинг ҳаётида Худо сенга берган ролнинг бир қисми ҳамдир. Бу худди самолётда фавқулотда ҳолатлар юз берганда, кислород ниқобини аввал ўзингизга кийишни, кейин эса, бошқаларга ёрдам беришни ўргатаётган парвоз хизматчисига ўхшайди. Шунинг учун, ўзингизга эътибор қаратинг. Нафас олаётганингизга ишонч ҳосил қилинг! Кейин бошқаларга нафас олишга ёрдам беринг.

Мен баъзан чўпон бўлмаслик учун етарлича яхши имонли эканлигимга амин эмасман, деб ҳазиллашаман. Мен назарда тутган нарса шуки, доимий ритмда таълим бериш, тайёрланиш ва шу одамлар учун ибодат қилиш ва уларни севиш масъулиятини олиш – буларнинг бари мен учун фойдали кутишлардир. Мен буларни ўз бўйнимга олишни ёқтираман. Бу менга фақатгина бошқаларга эмас, ўзим учун ҳам фойдали бўлган нарсаларни қилишимга ёрдам беради. Аксинча, мен учун фойдали бўлган нарса, бошқаларга ҳам фойдали бўлишни давом эттиришимга ёрдам беради.

Бошқа нарсалар орасида бу шуни англатадики, менинг оиласам менинг жамоатдаги ролим сабабли қурбонликларга тайёр бўлиши керак, лекин, шу билан бирга, менинг улар (оиласам) учун ҳам алоҳида ўзига хос жавобгарлигим борлигини унутмаслигим керак. Бу жамоат бошқа чўпон ёки оқсоқолларга эга бўлиши мумкин, лекин менинг болаларим ва хотиним бошқа ота ёки

эрга эга бўлолмайдилар. Бутун ҳаётим давомида улар учун такрорланмас ролим бор. Бу жавобгарликни бажаролмаган кўпгина пайтларда, мен буни ҳеч қачон рад этмаганман. Мен буни ҳар доим тан олганман ва бу менинг хотиним ёки оиласам жамоат учун қилаётган қурбонликлар мен қилишга етаклаётган қурбонликлар эканлигини хотиним тушуниши устида қаттиқ ишлаганимни англатади – зеро, мен ҳам назарияда, ҳам амалда оиласамни хазинадек асрарим керак. Мен уйдаги севимли етакчилигимга нисбатан ишонч яратиш устида ишлайман.

ОҚСОҚОЛЛАР ҚАРОВ (НАЗОРАТ) НИ АМАЛГА ОШИРАДИЛАР

Оқсоқоллар ўзларини эҳтиёт қилгандан кейин, бошқаларга кўз-кулоқ бўлиш орқали уларга ғамхўрлик қила оладилар. Павлуснинг Эфеслик оқсоқолларга айтган сўзларидан ибрат олиш мумкин: “Ўзларингизни эҳтиёт қилинглар, сурувни ҳам эҳтиёт қилинглар. Чунки Муқаддас Рух уларни сизнинг қарамоғингизга

берган. Худонинг жамоатига чўпон бўлинглар. У бу жамоатни Ўзининг Ўғли қони эвазига сотиб олган” (Ҳаворийлар 20:28).

Оқсоқоллар ҳар хил йўллар билан қаровни амалга оширадилар. Улар буни жамоат ҳомийлик қиласидиган хушхабарчилик иши билан боғлиқ равишда амалга оширадилар. Улар элчилик хизмати билан ҳам шуғуллана-дилар ва эҳтимол улар ҳатто элчилар (Осмон Шоҳлиги элчилари) яшайдиган ва хизмат қиласидиган жойларга ташриф буюрадилар.

Оқсоқоллар жамоат аъзолари билан уларнинг уйларида ва баъзан улар ишлайдиган жойларда учрашиб ҳам қаровни амалга оширадилар. Улар ўз жамоат аъзолари ҳаёти ва таълимоти ҳақида гаъмхўрлик қиласидилар. Ахир, уларда жамоат аъзоларининг манфати учун амалга ошириладиган ҳокимият бор.

Оқсоқоллар жамоатга аъзо бўлиш истагини билдирган шахсларни текшириш ва уларни жамоатга тавсия қилиш орқали назоратни амалга оширади. Баъзан, бу бироннинг жамоатга қўшилиш жараёнини секинлаштиришни

англатади, чунки улар бу шахсга ниманидир яхшироқ англашга, масалаларни ҳал қилишга ёки унинг ҳаётидаги баъзи соҳаларни тартибга келтиришга ёрдам беришни хоҳлашади.

Оқсоқоллар биронта жамоат аъзоси ўз гунохини Масихдан кўра кўпроқ севишга қарор қилганда, уни аъзоликдан чиқариш учун жамоатни етаклаш орқали назоратни амалга оширади.

Оқсоқоллар ҳар йили жамоат бюджетини тузиш ва жамоатга тақдим этиш орқали назоратни амалга оширадилар.

Улар жамоат аъзолари ҳаётида чўпонлик қилиш қийин бўлган ҳолатларда бир-бирла-рига маслаҳат беришади.

Улар биргаликда ибодат қилишади.

Улар доимий равишда Худо оқсоқоллар ёки диаконлар сифатида этиштираётган шахсларни қидиришади.

Улар қийинчиликда азобланаётган ёки курашаётган қўзиларни учрашишга таклиф этиб, синов ва қийинчиликарда ёки касалликда бўлганлар учун биргаликда ибодат қилишади

ёки хушхабарни чет мамлакатларга етказиш хоҳишида бўлғанларга маслаҳатлар беришади.

Шу ва бошқа йўллар орқали оқсоқоллар Бутруснинг қуидаги сабоқларини бажаришади: “Назоратингиздаги Худонинг сурувини яхши бокинглар. Бу хизматни мажбурият юзасидан эмас, балки чин кўнгилдан, Худога манзур тарзда бажаринглар” (1 Бут. 5:2).

ОҚСОҚОЛЛАР БОШҚАЛАРГА ЯХШИ НАМУНА БЎЛАДИЛАР

Яхши оқсоқол бўлишнинг энг яхши йўлларидан бири бу сурувга яхши намуна бўлишдир. Павлуснинг Титусга мактубида оқсоқолга доир таърифи ҳақида фикр юритинг ва улар бошқалар учун қандай ўrnak бўла олишига эътибор беринг:

Зеро, жамоат етакчиси Худонинг хонадонини бошқарувчи сифатида камчиликсиз бўлиши лозим, яъни у такаббур, жаҳлдор, майхўр, зўравон ёки пулпараст эмас, балки меҳмондўст, яхшиликни севадиган, вазмин,

одил, оқ күнгил ва нафсини тийган одам бўлсин. Ҳақиқатга ўргатилган, Хушхабар ақидалариға қаттиқ риоя қиласиган инсон бўлсин. Шунда у бошқаларга ҳам соглом таълимот билан насиҳат қила олади, қаршилиқ қилувчиларни эса фош эта олади
(Титус 1:7–9)

Оқсоқоллар ва чўпонлар нима учун бундай хусусиятларга эга бўлишлари талаб этилади? Чунки, назорат (қаров) нинг бир қисми бу бошқаларга йўл корсатишdir. Улар шогирдларга ўрнак бўладилар. Йўл-йўриқлар бериш орқали қандай йўл-йўриқ бериш кераклигини ўргатадилар. Ишончли (садоқатли) бўлиш орқали ишончли бўлиш қандай бўлишини кўрсатадилар. Улар Бутруснинг сурувга намуна бўлиш кўрсатмасига итоат этадилар (1 Бут. 5:3).

ОҚСОҚОЛЛАР ОҚСОҚОЛЛАРНИ ЕТИШТИРИШАДИ

Ва ниҳоят, оқсоқоллар бошқа оқсоқолларни етиштириш орқали ўзларининг

ўринларига хизматчилар заҳирасини яратишади. Маълум даражада бу “шогирд орттириш” топшириғининг бир қисми холос. Улар таълим беришади ва амалда ўргатишади, токи бошқалар ҳам етукликка эришиб, бунга жавобан бошқаларга таълим беришсин ва амалда ўргатишсин.

Павлус Тимўтийга қандай кўрсатма беришга эътибор беринг: “Сен кўп шоҳидлар хузурида Хушхабар ҳақида таълим берганимни эшитгансан. Энди бу таълимотни бошқаларга ҳам ўргатишга қобилияти бор, ишончли одамларга топширгин” (2 Тим. 2:2). Павлус (1 авлод) Тимўтийга (2 авлод) таълим беради. У Тимўтий ушбу сабоқларни ишончли одамларга (3 авлод) ўргатишни, ўша ишончи одамлар эса, бошқаларга (4 авлод) ҳам ўргатишларини хоҳлади. Бизлардан қанчамизда Павлусга ўхшаб хаёлимизда рухий чевараларимиз бор! Қанчалик кўп одамлар ўсиб бориб, оқсоқоллар бўлиб етишган жамоат шунча соғлом ва кудратли бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, оқсоқоллар ўз сурувларини билишлари ва уларга хизмат қилишлари лозим. Художүй оқсоқоллар ўз сурувини етаклайди ва уларни боқади. Улар ўз қўзиларини яхши бошқариш ва эҳтиёткорлик билан ҳимоя қилишга ўзларини бағишлайдилар. Улар рад этилган ва таҳқирланганларни излаб топадилар. Улар ўша қобилиятлиларни бошқаларга таълим беришга ўргатадилар. Буларнинг барини бажараётганда улар Масиҳнинг биронта қўзисини ҳалок бўлишига йўл қўймайдиган Яхши Чўпоннинг намунасига эргашадилар.

5 БОБ

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ
ЖАМОАТ ШТАТИ
ХИЗМАТЧИЛАРИ,
ДИАКОНЛАР ВА “ЧҮПОН”
БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Агар оқсоқоллар асосан таълим бериш ва сурувни назорат қилиш учун жавобгар бўйлсалар, улар жамоат штати хизматчилари, диаконлар ва бирон бир кичик ёки асосий чўпон билан қай тарзда муносабатга киришишлари керак? Ўйлайманки, бу ролларнинг ҳар бирини фарқлаш ва ким нима учун жавобгарлигини билиш – биз учун муҳим. Қайси турдаги ишлар ва қайси турдаги қарор қабул қилиш ваколатлари оқсоқолларга тегишли?

Жамоат штати хизматчилари-чи? Диаконлар-га-чи? Бутун жамоатга-чи?

ОҚСОҚОЛЛАР ВА ЖАМОАТ ШТАТИ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҮЗАРО АЛОҚАСИ

Күпгина замонавий жамоатлар оқсоқолларни жамоат штати хизматчилари билан адаштиришади. Баъзи жамоат штати хизматчилари чўпонлардир. Баъзилари эса – йўқ. Ҳар иккала ҳолда ҳам, жамоат штати хизматчилари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида жамоатга хизмат қилиш учун алоҳида ажратилган одамлардир. Одатда улар жамоатда ҳар куни нима содир бўлаётганидан тўғридан-тўғри хабардор бўладиган шахслардир. Улар маълум даражадаги художўйлик ва етукликка эга бўлишлари керак, акс ҳолда, улар ҳеч қачон бу хизматга қўйилмаган бўлар эдилар. Уларнинг орасидаги чўпонлар семинарияда ўқиган бўлишлари мумкин, лекин ўқимаган бўлишлари ҳам мумкин.

Агар жамоат штатидаги хизматчининг “чүпон” деган унвони бўлса, у бир вақтнинг ўзида оқсоқол ҳамдир. Ҳар бир чўпон оқсоқолдир, чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Муқаддас Китобда бу сўзлар бир-бири билан ўзаро алмашган ҳолда ишлатилади. Шунинг учун, менинг жамоатимда оқсоқол бўлмаган бирор кишига, айтайлик, “ёшлар чўпони” унвони берилмайди. Жамоатимиз томонидан тан олинган йигирма тўртта оқсоқолдан фақатгина олтитаси жамоат штатига ишга олинган.

Шундай бўлсада, чўпонлик иши билан шуғулланаётган, лекин ҳали оқсоқоллар сифатида тасдиқланмаган бир неча одамларимиз, асосан, ёшлар – бор. Ушбу “чўпонлик хизмати ёрдамчилари” таълим беришдан бошлиб то уйма-уй юришларгача ҳамма нарсада бизларга катта ёрдам берадилар. Бизда болалар хизматини олиб борадиган битта художўй аёл ҳам бор, шу билан бирга, умумий маъмурий масалалар штати хизматчилари ҳам бор.

Үндай бўлса, оқсоқоллар ва жамоат штати хизматчилари ўзаро алоқага қандай киришадилар. Оқсоқоллар биргаликда бутун жамоат устидан назоратни амалга оширишлари сабабли, назоратга доир каттароқ қарорларни қабул қилиш ваколати уларда қолади. Штат хизматчилари эса, ушбу қарорларнинг ижросига масъулдирлар. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бирларига тегишли қарорлар бўйича кўрсатмалардан келиб чиқиб бирор-бир чоралар кўрилиши учун, оқсоқоллар, бир жамоа сифатида, одатда, штатдаги оқсоқолларга таянишади. Бу ишни амалга ошириш учун штат оқсоқоллари ихтиёрида ахир бутун бир ҳафта бор.

ОҚСОҚОЛЛАР ВА ДИАКОНЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Амалда (таълимотда ҳам бўлиши мумкин) кўп жамоатлар диакон ва оқсоқолнинг Янги Аҳддаги ролларини ҳам адаштиришади.

Агар 1 Тимўтий 3 бобдаги оқсоқол ва диаконларнинг хусусиятларини таққосласангиз,

энг күзга ташланадиганлари фарқлар эмас, балки ўхшашликлардир. Оқсоқоллар ҳам, диаконлар ҳам обрўли, бенуқсон, ишончли, бир хотинли, ичкиликка берилмаган, вазмин ва сахий шахслар бўлишлари керак. Ҳақиқатдан ҳам бу икки рўйхат шу даражада ўхшашки, илк масиҳийлар етакчиларнинг бу икки алоҳида институтини аниқ фарқлай олишлари кераклиги уларни ҳайратга солган бўлса керак. Бу икки рўйхат ўртасидаги асосий фарқ – бу оқсоқол “таълим беришга қобилиятли” бўлиши кераклигидир.

Биз бу фарқнинг илдизини Ҳаворийлар 6 бобда кўриб чиқдик. Ҳаворийлар фаҳмлашадики, “Худо қаломини ваъз қилишни бир четга қолдириб, озуқа тарқатиш билан овора бўлиш тўғри эмас (2 оят). Улар ўзларини “ибодатга ва Худонинг қаломи хизматига” бағишлишни хоҳлагандилар (4 оят). Танланган етти киши эса, озуқа тарқатиш хизмати учун ажратиладилар. Шунга ўхшаб, Худонинг Қаломи оқсоқолларнинг Қаломни оммага етказишда ҳам, ўз ҳаётлари орқали

ҳам асосий жавобгарлигидир. Диаконлар эса, жамоат ҳәётининг амалий соҳаларига: маъмурый масалалар, жамоат биносининг ишга яроқлигини сақлаш, моддий муҳтожликдаги жамоат аъзоларига ғамхўрлик қилиш хизматига бағишланишлари керак – буларнинг бари жамоат бирлигини ва Калом хизматини қўллаб-куватлаш учун қилинади.

Оқсоқоллар ваъз ва ибодат диаконларидирлар. Диаконлар эса, амалий ва моддий масалалар диаконларидирлар.

Шунинг учун, диаконлар алоҳида куч блоки ёки қонун лойиҳалари узатиладиган қонунчиликнинг иккинчи палатаси бўлмасликлари керак. Агар оқсоқоллар “Питтсбургга борамиз” дейишса, диаконлар келиб “Йўқ, келинг Филаделфияга борамиз” деёлмайдилар. Улар келиб қонуний равишида “Моторимиз Питтсбурггача етиб боришимизга имкон бермайди. Балки, яна бир марта ўйлаб кўрармиз” дейишлари мумкин. Бу жуда фойдали бўлади. Лекин, умуман олганда, уларнинг иши оқсоқоллар томонидан

белгиланган мақсадларни амалга оширишга күмаклашишдир.

Шундай қилиб, оқсоқол ролини диакон ролидан фарқлаш кўпгина жамоатлар учун катта фойда беради.

ОҚСОҚОЛЛАР ВА “ЧҮПОНЛАР”НИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Муқаддас Китоб оқсоқоллар орасида катта чўпон бўлиши кераклиги ҳақида ўргатадими? Бу саволга жавоб “Йўқ, тўғридан-тўғри эмас.” Буни айтиб, мен, асосан, омма олдидаги ўқитувчи бўлган одамнинг оқсоқоллар орасидаги ўзгача ролини Муқаддас Китобдан аниқлай оламиз, деб ҳисоблайман. Сизга бу рол ҳақида Янги Аҳдда сўз юритилган тўртта қарашларни тақдим этишга ижозат беринг:

1. Баъзи бир оқсоқоллар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришган (Тимўтий ва Титус каби), бошқалари эса, бундай эмас. Шунинг учун,

Тимүтий жамоатга ташқаридан келган, бошқалар эса, ўзининг маҳаллий жамоатлари ичидә тайинланишган.

2. Баъзи оқсоқоллар тўлиқ сурув томонидан таъминланишган (1 Тим. 5:17–18; Филип. 4:15–18га қаранг), бошқалари эса, бошқа ишда ишлашган. Титус Критдаги жамоатлар учун тайинлаган оқсоқолларнинг ҳар бири тўлиқ жамоат томонидан таъминланганлиги эҳтимолдан йироқдир.
3. Павлус жамоатга доир кўрсатмаларни фақат Тимүтийга ёзган, шунга қарамай, Ҳаворийлар китобидан биламизки, Эфес жамоатида бошқа оқсоқоллар ҳам бўлган. Демак, Тимүтий улар орасида такрорланмас алоҳида ўринга эга бўлган.
4. Ва ниҳоят, Ваҳий 2 ва 3 боблардаги Исонинг еттита жамоатга аталган мактублари ушбу ҳар бир жамоатнинг хабарчисига (бирликда) қаратада ёзилган.

Буларнинг ҳеч бири бугунги кундаги жамоатлар учун мажбурий буйруқлар эмас. Лекин, улар бизнинг битта оқсоқолни алоҳида ажратиб, уни моддий таъминлаб ва унга жамоатда асосан таълим бериш вазифасини топшириш амалимизга мос тасвирлардир. У садоқат билан таълим берар экан, табиий равишда обрўга эришади ва натижада бу унинг оқсоқоллар орасида жамоат йўналишини белгилаш ҳуқуқига эга бўлган “тengлар орасидаги биринчи” ролини қўлга киритишига олиб келади. Оқсоқоллар уни тўлиқ шу ишни бажариш учун ажратишар экан, улар шундай раҳбарликни излашлари керак.

Шундай бўлсада, ваъзхон ёки чўпон, аслида, оқсоқоллардан бири холос. Уларнинг бари Муқаддас Рух тайинлаган назорат қилиш вазифасига эгалар, шунга ўхшаб, у (ваъзхон ёки чўпон) улардек фақатгина битта овозга эга.

Бундай кўплик етакчиликни мустаҳкам илдизли ва ўзгармас қиласи ҳамда катта чўпон хизматни тарк этганда етакчиликнинг

давомийлигини сақлаб қолишига имкон беради. Бу ўз жамоати аъзоларини рухий ўстиришга күпроқ жавобгарликни ўз бўйнига олишга ундаиди ва жамоат унинг ишчиларига камроқ боғлиқ бўлишига ёрдам беради. Оқсоқоллар кўплиги, бошқача қилиб айтганда, устозлик қилиш ва етакчиларни этиштириш чақирифидан бошқа нарса эмас.

Катта чўпон сифатида айтишим мумкини, чўпонлик хизматимдаги, эҳтимол, энг фойдали ягона нарса бу бошқа оқсоқолларни тан олиш бўлиб келган. Уларнинг хизмати катта фойда бериб келган. Улар менинг инъомларимни тўлдиришади, мендаги камчиликларимни тўлдиришади, тўғри қарорлар қабул қилишимга кўмаклашишади ва қилинган қарорлар бўйича ноўрин танқидларга учраганимда, жамоат ичида мени қўллаб-қувватлайдиган асосни ташкил этишади. Жамоатим ҳам бу одамлардан жуда катта фойда кўришган, чунки улар ҳар бир жамоат аъзосига чўпонлик парваришини кўрсатишган.

6 БОБ

ОҚСОҚОЛЛАРНИНГ ЖАМОАТГА АЛОҚАСИ

Хозиргача биз оқсоқоллар ва диаконларнинг ишларини ва оқсоқоллар тананинг (жамоат) ҳар хил қисмлари билан қандай алоқадорликка эга эканликларини кўриб чиқдик. Лекин, конгрегационализм (жамоатчилик) нуқтаи назаридан оқсоқол етакчилиги айнан қандай аҳамиятга эга?²⁰

КОНГРЕГАЦИОНАЛИЗМ (ЖАМОАТЧИЛИК) НИМА?

Келинг конгрегационализм нима эканлигига жавоб беришдан бошлаймиз. Конгрегационализм – бу маҳаллий жамоатда муҳим масалалар юзасидан қарорлар

қабул қылувчи охирги инстансия Рим ёки Константинопол ёки Вашингтон эмаслиги түшүнчесидир. У қандайдыр халқаро институт ёки миллий ассамблея, конференсия ёки конвенсия ҳам эмас. У деноминация президенти ёки ишончли вакиллар кенгашшириктиң қызығынан шынан өзүншілік ассоциациясы ҳам эмас. У маҳаллий жамоат ичидеги оқсоқоллар гурухи ёки чўпонлик ассоциацияси ҳам эмас. Маҳаллий жамоат ҳаётига доир масалалар юзасидан қарор чиқарувчи охирги инстансия маҳаллий жамоатнинг ўзидир.

Бу таълимот ва тартиб-интизом масалалари ҳамда жамоатга аъзоларни қабул қилиш ва улар ўртасида фарқларни белгилаш масалаларида Янги Аҳд гувоҳлигига асосланишини бидиради.

Қарама-қаршиликлар. Матто 18:15–17да Исо биродарлар орасидеги қарама-қаршиликларни қандай ҳал қилиш ҳақида гапиради. Охирги ҳукм чиқарувчи инстансия нима эканлигига эътибор беринг. Епископ, пресвитер (оқсоқол) ёки чўпонлар эмас. У

“имонлилар жамоатидир” (17 оят). Бутун жамоат қарор чиқарувчи охирги инстансия бўлиши керак.

Таълимот. Галатияликларга 1:6–9да, Павлус ҳали имонда ёш масиҳий жамоатларни агар бирор киши Галатияликларга улар қабул қилган хушхабардан бошқа бир “хушхабар” келтирса, ҳатто фаришталар ва ҳаворийлар бўладими – фарқи йўқ, уларни (ҳатто ўзини ҳам!) ҳукм қилишга чақирмоқда. У 2 Тимўтийга 4:3да Тимўтий ва Эфесдаги жамоатга сохта устозларга нисбатан қандай чора кўриш ҳақида маслаҳат берганда, бу ҳақда яна бир марта гапиради.

Интизомий жазо. 1 Коринфликларга 5 бобда Павлус бутун Коринф жамоатига (фақатгина оқсоқолларга эмас) мурожаат қилиб, бирор киши эътироф этган имонига тўғри келмайдиган тарзда яшаётган бўлса, уни жамоатдан четлатишга чақиради. Муқаддас Китоб бўйича жамоатдаги интизомий жазо масалаларида бутун жамоат ҳал қилувчи қарорни қабул қилиш ваколатига эга.

Аъзолик. 2 Коринфликларга 2:6–8да Павлус олдин бирор кишини аъзоликдан четлатишни күпчилик бўлиб ҳал қилишга чақирган бўлса, энди бу жойда улардан ўша одамни қайта аъзоликка тиклашни сўрамоқда: “Аммо хафа қилган одамга кўпчилик томонидан берилган жазо етарли. Энди бўлса, уни кечириб, тасалли беринглар, токи у ҳаддан ортиқ қайғуриб, тушкунликка тушмасин. Сизлардан ўтинаман, унга бўлган меҳр–мухаббатингизни кўрсатинг.” Жамоат аъзолиги масалаларида, жамоат бир бутун организм сифатида қарор чиқарувчи охирги инстансия бўлиши керак.

Жамоат етакчилик, штат хизматчилари ва бюджетга доир қарор қабул қилишларда қанчалик чуқур кириб бориши бу фаҳм-фаросатлилик ва узоқни кўра билиш масаласидир. На хизматга тайинлаш кенгаши ва на ишончли вакиллар ҳақида Янги Аҳд вароқларида ҳеч нима ёзилмаган. Молия кенгашлари ёки кичик гуруҳ етакчилари жамоалари ҳақида ҳам ҳеч нарса топа олмайсиз. Шунга қарамай, Муқаддас Китобнинг мукаммаллигига

ишониш бундай тузилмаларни рад этмайди; у шунчаки уларнинг ҳокимияти алоқадорлигини белгилаб беради.

Шуни ҳам унутмангки, жамоат ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди. Павлус Тимўтийга, яъни ўз шогирди ва Эфес жамоати чўпонига ёзганда у келадиган ёмон кунларни тасвирлайди “Чунки шундай вақт келадики, одамлар соғлом таълимотга тоқат қилмайдиган бўладилар, улар атрофига ўзларига мос, қулоқларига ёқимли сўзлар айтадиган муаллимлар тўплайдилар” (2 Тим. 4:3). Конгрегационализм (жамоатчилик) каломга асосланади, лекин жамоат бенуқсон эмас. Тарихда Жонатан Эдвардсни лавозимидан бўшатган жамоатни мисол қилиб олишимиз мумкин. Уларда шундай ваколатга эга бўлиш учун барча каломий ҳуқуқлари бор эди, лекин, ўйлайманки, улар бу ваколатдан Эдвардсни ишдан бўшатиш учун фойдаланиб нотўғри иш қилдилар. Ҳатто Худо томонидан ўрнатилган ваколатли ҳокимият бу бузук дунёда хатоликка йўл қўяди.

ЕТАКЧИЛАРГА ИШОНИШ ВА ИТОАТ ЭТИШ

Шундай қилиб, конгрегационализм (жамоатчилик) қарорлар қабул қилишда жамоат охирги инстансия эканлигини билдирса, қай тарзда биз буни Ибронийларга 13:17 каби оятлар билан ёнма-ён қўя оламиз? “Жамоатдаги бошлиқларингизга қулоқ солинглар, айтганларини қилинглар. Ахир, улар имон йўлида сизларга посбонлик қиладилар, Худонинг олдида сизлар учун ҳисбот берадилар. Уларга итоат қилсангиз, улар ўз ишини хурсандчилик билан бажарадилар, бўлмаса, ўлган кунидан қиладилар. Бундан сизга нима фойда бўлади?!” Биз “бўйсунинглар” ва “итоат этинглар” каби сўзларни ишлатишга ўрганмаганмиз, лекин Янги Аҳдда бу сўзларни жамиятдаги ва ишдаги одамларга нисбатан, уйимизда, турмушимизда ва жамоатда қўллаймиз. Етакчиларимизга бўйсуниш ва уларга ишониш бизнинг томондан маълум даражада уларга нисбатан ишончни талаб этади.

Ишончга лойик бўлиш кераклиги ҳар доим айтиб келинган. Бу нимани билдиришини яхши тушунаман. Лекин, бундай нуқтаи назарнинг кўпи билан ярми тўғри. Биз ушбу ҳаётда ўзимиз каби мукаммал бўлмаган одамларга, оила аъзоларимиз ёки дўстларимиз бўладими, хўжайнларимиз ёки давлат амалдорлари бўладими, ёки ҳатто жамоатдаги етакчиларимиз бўладими – фарқи йўқ, уларга ишонч билдиришга чақирилганмиз, лекин бу турдаги ишончга ҳеч қачон тўлалигича лойик бўлиш мумкин эмас. У совға сифатида – имон совғаси сифатида, яъни Худонинг бизга атаган инъомлари сифатида, биз кўрган одамларимиздан кўпроқ беришга қодир бўлган Худога нисбатан ишонч орқали берилиши керак. Жамоатда ишончли бўлмаган етакчиларнинг бўлиши ёки ишонишга қодир бўлмаган аъзоларнинг бўлиши жамоатдаги жиддий етишмовчиликдир.

Сиз жамоат аъзоси сифатида ё уларга ишонишингиз керак, ёки уларнинг ўрнини эгаллашингиз керак. Лекин, уларни тан

оламан деб, уларга эргашмаслигингиз бу нотүғри. Агар сиз оқсоқолларнинг бирор бир фикри ёки қарорига қўшилмасангиз, бунга яхши сабаб келтиринг. Бориб, бу ҳақда улар билан гаплашинг. Муқаддас Китобдан ташқари, оқсоқолларнинг сиз ҳақингиздаги маълумотлар манбаи – бу сизнинг ўзингиз!

Жамоат етакчиларига ишончсизлик кўрсатишдан кўра, уларнинг йўқлигида бошқалар билан учрашинг ва уларни (етакчиларни) қай тарзда қўллаб-қувватлаш ҳақида режа тузинг. Жамоат етакчилари ўз хизматларини мажбурият юзасидан эмас, балки хурсандчилик билан адо эта олишлари учун стратегия тузинг. Ибронийларга мактубида ёзилганидек, бу етакчиларингизни сиз учун Худонинг марҳаматига айлантиради.

5 МУНОСАБАТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Оқсоқоллар ҳам, аъзолар ҳам бир-бирларига хизмат қиласидилар ва бир-бirlарини Худога яқинлаштирадилар. Бундай

муносабатни бешта хусусиятларни таърифлаш орқали умумлаштиришга ижозат беринг.

1. Аниқ Тан Олиш. Жамоат оқсоқолларни ўзининг манфаати учун Худодан берилган инъомлар сифатида тан олиши керак. Агар оқсоқоллар Муқаддас Китобга қарши ҳатти-ҳаракатлар қилгандагина жамоат уларнинг таълим бериш ва етакчилик қилиш вазифаларидан озод қилиши мумкин. Оқсоқоллар эса, ўз томонларидан, жамоатнинг Худо берган ҳокимиятини тан олишлари керак.

2. Самимий Ишонч. Жамоат ўз оқсоқолларига ишониши, уларни ҳимоялаши, хурмат қилиши ва эъзозлаши керак. “Имонлилар жамоатини яхши бошқараётган, хусусан астойдил ваъз айтиб, таълим бераётган оқсоқоллар ҳурматга сазовордирлар, улар қилган меҳнатларига яраша тақдирлансанлар” дейди Павлус (1 Тим. 5:17). Жамоат аъзолари “Қилаётган ишлари учун муҳаббат билан уларни (етакчиларни) эъзозлаши” керак (1 Сал. 5:13). Оқсоқоллар жамоат ишларини

олиб боришлари керак, жамоат эса, уларнинг етакчилигига бўйсуниши керак.

3. Ошкора Художўйлик. Биз Павлуснинг Тимўтий ва Титусга ёзган мактубларида оқсоқоллар “камчиликсиз” бўлиши кераклигига берган урғуни кўриб чиқкан эдик (Титус 1:6). Оқсоқол ўз ҳаёт тарзини бошқалар текширишига бажонидил ошкора бўлиши, уйи меҳмондорчилик учун, ўз оиласвий ҳаётини кўришлари учун бошқаларни фаол қабул қилишга тайёр бўлиши лозим.

4. Самимий Эҳтиёткорлик. Оқсоқолларнинг ўз ваколатларидан фойдаланиш тарзи жамоат уларга эмас, балки, Масихга тегишли эканлигини тушунишларини намоён этишлари керак. Масих жамоатни Ўз қони эвазига сотиб олган. Шунинг учун, оқсоқоллар жамоатни парваришлаши, унга эҳтиёткорлик ва мулоимлик билан муносабатда бўлиши ҳамда Худонинг улуғворлиги учун жамоатни садоқат ва бенуқсонликка етаклаши керак. Оқсоқоллар ўз хизматлари бўйича Масихга ҳисобот берадилар.

5. Фойдали Натижалар. Ҳокимиятдан оқилона фойдаланса, бу ҳокимият орқали бошқариладиганларга фойда келтиради. Үйда ҳам, Худо билан муносабатда ҳам худди шундай. Жамоатда ҳам худди шундай. Худо жамоатни Ўзи берган устозлари орқали кўтаради, жамоат эса, бундан фойда кўради. Оқсоқоллар ҳокимиятни оқкўнгиллик билан бошқариш орқали шайтоннинг “ҳокимиятни биронга ҳеч қачон ишониб топшириб бўлмайди, чунки у ҳар доим жабр-зулмга ва зўравонликка асосланган”, деган ёлғонига барҳам беришади.

Юқорида кўриб чиқсан Ибронийларга 13:17да етакчилар ўзларига ишониб топширилганларни қандай етаклаётганлари бўйича ҳисобот беришлари ҳамда жамоат аъзолари ўз етакчиларига эргашмасалар улар “самарасиз” қолишлари ваъда қилинган.

Едвард Гриффин (1770–1837) ўзи кўп йиллар давомида яхши хизмат қилиб келган жамоатидан истеъфога чиқаётганида, у ўз жамоатига қандай қилиб фақатгина чўпонга

боғланиб қолмаслик бўйича насиҳатлар беради. Унинг сўзлари Худо бизга ишониб топширганларнинг барини оқсоқоллар сифатида, қандай парваришлаш кераклигига доир бизга ҳам кўрсатмалар беради:

Ўзинг учун ва ўз фарзандаларинг учун, сенинг чўпонинг бўлишга танланган чўпонни эҳтиёт қил ва эъзозлагин. У аллақачон сени севади ва тез орада у сени “ўз суякларидан пайдо бўлган суякдек ва ўз этидан яралган этдек” севади. Унинг ишини қўлингдан келганча, у учун ёқимли қилиш бу сенинг ҳам вазифанг ва ҳам сенинг фойданг учундир. Жуда кўп нарсаларни талаб қилма. Жуда тез-тез ташриф буюришини ҳам талаб қилма. Агар у, баъзилар талаб қилгандек, ўз вақтининг ярмини шу тарзда сарфласа, у ўз изланишларини бутунлай ташлаб қўйишига тўғри келади, агар ундан олдинроқ ташвишларга кўмилib кетмаса. Унга қарши айтилиши мумкин бўлган ҳар қандай ёқимсиз нарсалар ҳақида

унга маълумот берма; агар қаршилик юзага келаётган бўлса, унинг ҳузурида тез-тез бунга шама қилма. У Масихнинг хизматчиси бўлсада, унда ҳам инсоний ҳиссиётлар борлигини унутма.²¹

КОНГРЕГАЦИОНАЛИЗМ —У НИМА УЧУН МУҲИМ

Буларнинг бари нега бунчалик аҳамиятга эга? Биринчидан, биз Худо яратган тузилмаларга ишонишимиз ва айнан шундай йўл тутишида Унинг донолигига ишонишимиз керак.

Иккинчидан, тарихнинг ҳукми шу ерда. Ҳеч қайси бошқарув шакли жамоатларни хато қилишдан, тўғри йўлдан оғишдан ва натижасизликдан ҳимоя қилолмайди, лекин кўпроқ марказийлашган бошқарув шакллари садоқатли, жўшқин, хушхабарга асосланган гувоҳликларни намоён этишда конгрегационалистик жамоатларга қараганда ёмонроқ из қолдирган кўринади. Папалик ўзини ўзи масиҳий деб эълон қилганлар устига катта

балоларни ёғдирди. Епископлар бундан озгина яхшироғини қилдилар. Ҳатто ассамблеялар, конференсиялар, кенгашлар ва сессиялар маслаҳатчилар бўлишдан ягона қарор чиқарувчилар бўлишга ўтганларида, каломий жиҳатдан тасдиқланган ваколатлари доирасидан чиқдилар ва фойдадан кўра кўпроқ муаммолар олиб келдилар.

Инжил хушхабарининг ўзи шу даражада оддий ва аниқки, ва янги туғилишдаги Муқаддас Рухнинг иши орқали Худо билан бўлган муносабатимиз шунчалик ҳаққонийки, бу хушхабарга ишонган ва Худони таниган одамларнинг йифиндиси (ёки жамоаси) ана шу хушхабарнинг энг яхши ҳимоячилари бўлиши мумкин эмасми? Биз Муқаддас Ёзувларда кўрган нарса шу эмасми?²²

Оқсоқоллар етакчилик қиласиган конгрегационализм “хушхабарнинг куч марказидир”, дея хулоса қиласи Жонатан Лиман. У “хушхабарни ҳимоя қиласи, масиҳий шогирдларни имонда етук қиласи, бутун жамоатга куч бағишлийди, унинг муқаддас самимийлиги

ва гувоҳлигини мустаҳкамлайди ва жамоатни ўзгаларни сўзда ва амалда яхшироқ севишга қуроллантиради.”²³

7 БОБ

ЖАМОАТ АЪЗОЛАРИ КИМЛАР?

Оқсоқоллар конгрегационализм (жамоатчилик) контекстидан келиб чиқиб йўлбошлиқ қилас эканлар ва ниҳоят биз жамоат аъзолари кимлар, деган савонни беришмиз лозим.

Бугунги кунда бутун жамоат аъзолиги ғояси кўпчиликка тескари натижа берадиган бўлиб туюлмоқда. Айтайлик, кимдир биз билан, кимдир биз билан эмас, деб ажратиш бошқаларга душманларча муносабатда бўлишни билдирамайдими, балки, ҳатто элитачилик (саралик) ни билдира? Аслида, мен аминманки, буни тўғри амалга оширсак, жамоатларимизни жонлантириш,

халқларимизга хушхабар ёйиш, Масих таъсирини бутун дунё бўйлаб илгари суриш ва шу орқали Худога шараф келтириш сари энг муҳим қадам қўйган бўламиз!

Америкалик евангелиячилар (инжилчилар) айниқса, менинг биродарлигимдаги жамоатлар – Жанубий Баптист Конвенсияси бу мавзуни қайта кўриб чиқишга фавқулотда муҳтождир. Жанубий Баптистларга тегишли тадқиқотлардан бирининг натижасига кўра, бир неча йил олдин, битта ўртамиёна Жанубий Баптист жамоатида 233 та жамоат аъзоси бўлган ва якшанба кунидаги эрталабки йиғилишларда эса бор-йўғи 70 киши қатнашган. Менинг саволим шундай: қолган 163 аъзо қаерда? Бу атрофимиздаги дунёга масиҳийлик ҳақида қандай хабар етказади?

ЖАМОАТ НИМА?

Биз мана шу савол билан бошлаймиз, “Жамоат нима?” Жамоат – бу қандайдир бино эмас. Аслан, жамоат – бу унинг аъзоларидир. Бу фақатгина Худога шараф келтириш учун

фақатгина Худонинг инояти туфайли ва фақат Масиҳга имон келтириш орқали нажотга эришганлигини эътироф этадиган ва гувоҳлик берадиган одамларнинг доимий йиғилиши (жамоаси) дир. Илк масиҳийлар жамоат бошлангандан кейин деярли уч юз йил давомида биронта бинога эга бўлишмаган. Шунга қарамай, ilk пайтлардан бошлаб маҳаллий жамоатлар маълум бир одамлардан иборат жамоалар бўлишган. Маълум бир одамлар бу жамоани ташкил этишган ва бошқаларни ундан *ташқаридағилар* сифатида билишган. Шунинг учун, Матто 18 бобдаги Исо ўргатган ва 1 Коринфликларга 5 бобдаги Павлус ўргатган чоралар бирор кишини жамоатдан четлатиш ҳолатини ўзида намоён этади.

Аниқ белгиланган одамлар жамоаси ғояси Худонинг ҳам эски, ҳам Янги Аҳддаги фоалиятида марказий ўрин эгаллайди. У Нуҳ ва унинг оиласини бошқалардан фарқлайди ва алоҳида ажратади. Кейин Иброҳим ва унинг авлодини. Кейин Исроил халқини. Ҳозир эса, Янги Аҳдда, жамоатни бошқалардан

ажратиб олган. Худо Ўз характерини намоён этиш учун ҳар доим алоҳида ажратилган одамларни қўллаб-кувватлаб келган. Шунинг учун, У Ўзига тегишли бўлганларни Ўзига тегишли бўлмаганлардан ажратиш учун уларнинг орасида ўткир ва аниқ чизик бўлишни хоҳлаб келган.

Йифилган жамоа сифатидаги ушбу жамоат консепсияси, масалан, Баптист масиҳийларни бошқа кўпчиликдан ажратган нарсадир. Реформация пайтида давлат ва жамоат ўртасидаги муносабат ҳам яқин ва ҳам мураккаб бўлган. Маълум бир сиёсий юрисдиксия чегаралари ичida туғилган ҳар бир киши давлат жамоатига (черковига) аъзо бўлиш имконига эга бўлиши кераклиги қўзланган. Баптистлар ўшанда имонлиларнинг чўмдирилишини; шу билан бирга, қайта туғилишни эътироф эътадиган ва бунга гувоҳлик берадиган одамлар жамоаси сифатидаги жамоат ғоясини қайта тиклашга ёрдам беришган.

Ваҳоланки, жамоат табиий йўл билан юзага келган оиласа ёки бирор давлат

фуқаролигига тегишли бўлган одамлар учунгина эмас. Йўқ, Янги Аҳд бизга жамоат имонлилар учун эканлигини ўргатади. Биз ўша жамоат эркинликда фаолият кўрсата олиши учун бундай эркинликни таъминлаб берувчи бу заминдаги қонунлар тарафдоримиз. Баптистлар Америкада (масалан, марказлашган Католик черковига ўхшаш) янги ташкил этилган жамоатнинг тарафдори эмас; аслида, биз бунинг энг ашаддий душманларимиз. Бизнинг жамоат ҳақидаги тушунчамиз бунга йўл қўймайди. Бунинг ўрнига, биз давлат ичида ва бутун дунёда хушхабар бир-бири билан Исо Масиҳнинг хушхабарида эркин ҳамкорлик қила оладиган жамоатлар орқали ёйилиши тарафдоримиз.

ЖАМОАТ АЪЗОЛИГИ БЕЛГИЛАРИ

Бирор киши маълум бир жамоатнинг аъзоси ёки аъзоси эмаслигини қаердан билиш мумкин?

Биринчидан, бирон бир жамоатнинг аъзоси бўлиш учун сиз имонли сифатида

чўмдирилишингиз керак. Матто 28 бобда Исо Унга эргашадиган ҳар бир киши чўмдирилиш орқали ўз имонини эътироф этишини буюрган. Чўмдирилиш орқали биз унга тегишли эканлигимизни расман эълон қиласиз. Бутун Ҳаворийлар китоби бўйлаб шогирдлар бу буйруқни яхши тушунишади ва унга бўйсунишади. Шунинг учун, Павлус Римдаги жамоатга мактуб ёзаётганда, у бир гурух чўмдирилган одамларга ёзаётганини билган (Рим. 6:3–4).

Иккинчидан, бирон бир жамоатнинг аъзоси бўлиш учун сиз доимий тарзда Кутлуғ Кечликда иштирок этишингиз керак. Кечлик орқали биз Масихнинг ягона танасига шерик бўламиш ва Унинг ўлимини эълон қиласиз (1 Кор. 10:16–17). Агар чўмдирилиш Янги Аҳднинг рамзи бўлса, Кутлуғ Кечлик буни эслатадиган таомдир. Биз Уни “хотирлаш учун” еймиз ва ичамиш. Чўмдирилиш ва Кутлуғ Кечлик ҳақида чуқурроқ ўрганмокчи бўлсангиз, Боббий Жемисоннинг ушбу Жамоат Асослари тўпламидаги шу мавзуларга доир икки китобига назар солинг.

Учинчидан, жамоат аъзоси бўлиш учун сиз доимий тарзда жамоат билан бирга йигилишингиз керак. Бу, эҳтимол, бири-бирилизга хизмат қилишнинг асосидир. Ибронийларга мактубида муаллиф қуийдагича буюради: “Бир–бирилизга эътиборли бўлиб, бир–бирилизни меҳр–муҳаббатга ва хайрли ишларга чорлайлик. Баъзи одамларга ўхшаб, йифилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимиз Исонинг келадиган куни яқинлашиб қолганини билиб, бир–бирилизни янада кўпроқ руҳлантирайлик” (10:24–25).

Янги Аҳд жамоатни руҳий маъбад, бизни эса, тошлар деб атайди (1 Бутрус 2:5). У жамоатни тана, ҳар бирилизни эса, аъзолар деб атайди (1 Кор. 12). У яна бизни сурувдаги қўзилар ва токдаги новдалар деб ҳам атайди (Юҳанно 10:16; 15:5). Каломий жиҳатдан, масиҳий одам жамоат аъзоси бўлиш керак. Аъзолик эса, шунчаки, қоғозда ёзилган ном ёки биз вояга етиб, улғайиб ўсган жойга нисбатан меҳримизни эълон қилиш амали эмас. У ҳаётий бағишланиш ва йиғилишларда

доимий қатнашишни ўзида акс эттириши керак, акс ҳолда, бу бефойда. Аслида, бу бефойдалыкдан ҳам ёмонроқ – у хавфлидир.

Жамоат ҳаётида иштирок этмаган “аъзолар”, ҳам ҳақиқий аъзоларнинг, ҳам масиҳий бўлмаганларнинг масиҳий бўлиш нимани англатиши ҳақидаги тушунчаларини чалкаштиришади. Агар биз “фаол” аъзолар кўнгилли равишда “нофаол” аъзоларга жамоат аъзолари бўлиб қолишларига қўйиб берсак, биз уларга хизмат қилмаётган бўламиз. Чунки, аъзолик инсон нажотга эришганлиги ҳақида жамоатнинг умумий тасдиғини таъминлайди. Илтимос, тушунинг: жамоат аъзолиги инсоннинг нажотга эгалиги ҳақидаги жамоатнинг умумий гувоҳлигидир. Шунинг учун, кимдир садоқат билан шу йўлдан юраётганини ҳеч қачон кўрмаса, жамоат қандай қилиб у ҳақда вижданан гувоҳлик бера олади?

Менинг жамоатимда, биз йиғилишда иштирок этишни тўхтатиб қўйганларнинг ҳолидан доимий тарзда хабардор бўлишга

ҳаракат қиласиз. Агар уларнинг жамоатга қатнашга имконлари бўлса, биз уларни жамоатга қайтишга ёки бошқа жамоатга қўшилишга чорлаймиз. Агар улар буни рад этишса, биз интизомий чора кўришга ўтамиз; кейинги пункт мана шу ҳакда.

Тўртингидан, жамоат аъзоси бўлиш жамоатга ҳисобдорликка ва унинг тартиб-интизомига бўйсунишни англатади. Ўқитувчилар таълим беришади ва хатоларни тузатишади. Шифокорлар соғлом яшаш тарзини тайинлашади ва касалликка қарши курашишади. Масихий устоз-шогирдлик ҳам худди шундай, шакллантирувчи интизом (таълимот) ва тузатувчи интизомдан иборат. Биз бир-биримизни норасмий тарзда тузатиш сўзлари орқали шахсан тузатамиз. У тавба қилишдан бош тортса, биз буни расман ва омма олдида амалга оширамиз. Исо буни буюрган. Павлус буни буюрган. Илк жамоатлар бундай амалиётларни олиб боришган. Жонатан Лиманинг Жамоат Асослари тўпламидаги ушбу мавзуга доир китобига назар солинг.

Ва ниҳоят, бешинчидан, севги жамоат аъзолигининг белгисидир. Исо Ўз шогирдларига қуидаги сўзларни айтган: “Сизларга янги амр беряпман: бир–бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир–бирингизни шундай севинглар. Агар бир–бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади” (Юҳанно 13:34–35). Агар сиз бошқа масиҳийлар билан фаол севгига асосланган муносабатларда бўлмасангиз, сиз ўзингизни масиҳийман, деб атай олмайсиз. Юҳанно қуидагича огоҳлантиради: “Агар бирор киши Худони севаман деса–ю, биродаридан нафратланса, у ёлғончидир. Кўриб турган биродарини сева олмаган одам кўрмаган Худони ҳам сева олмайди” (1 Юҳанно 4:20). Ўзимизни ўзимиз алдаш ва ўзимизга юқори баҳо беришга мойилигимизга қарамасдан, Худога шукурки, У ўз мағурурлигимиз ва кўрлигимизни текшира олишимиз учун бизга бошқа азизларни намуна қилиб берган!

Кўпгина бош нарсалар биз маҳаллий жамоатда бир-биримизга нисбатан амалга оширадиган севгига асосланган бағищланишдан келиб чиқади. Масалан, биз жамоатимиз аъзоларидан *ишонч белгиси* ва *жамоат аҳдига* имзо қўйишларини сўраймиз. Биз аъзолар жамоат учун ибодат қилишларини, жамоатни моддий қўллаб қувватлашларини ва улар жамоатдаги хизматларда фаол иштирок этишларини кутамиз. Лекин, буларнинг бари чўмдирилиш, Қутлуғ Кечлик, йигилишларни қолдирмаслик, интизом ва севгидан бошланади.

НИМА УЧУН ЖАМОАТГА ҚЎШИЛИШ КЕРАК?

Жамоатга аъзолик Масиҳга шогирд сифатида эргашишнинг ўта муҳим қисмиdir. У сизни яхши ишларингиз, олган маълумотингиз, маданиятингиз, дўстларингиз, ушурларингиз ёки чўмдирилишингиздан кўпроқ ҳеч қандай нажот бермайди. Лекин, жамоатга қўшилиш Масиҳ танаси аъзолари

қиладиган ишдир. Агар бирон бир жамоатга қўшилмаган бўлсангиз, Жамоатга тегишлиман деб айтманг.

Хушхабар ваъз қиладинган ва масиҳий хаёт тарзи учун намуна кўрсатадиган жамоатга қўшилиш учун олтита сабаб келтиришга ижозат беринг.

1. Аминликка Эга Бўлишингиз учун

Сиз нажотга эришиш учун эмас, балки нажотга эришганингизга амин бўлишингизга ёрдам бериши учун жамоатга қўшилишингиз керак. Исо нима деганини бир эсланг: “Менинг амрларимни билиб, уларга амал қилган киши Мени севади. Ким Мени севса, Отам ҳам уни севади. Мен ҳам уни севаман ва Ўзимни унга аён қиласман” (Юҳанно 14:21).

Жамоатга қўшилиш орқали биз ўзимизни шундай вазиятга қўямизки, биз биродар ва опа-сингилларимиздан айтганларимиз бўйича яшашга бизни назорат қилишларини сўрай оламиз. Биз улардан Худо бизнинг ҳаётимизда ишлаётганига қандай қарашларини айтиш

орқали бизни руҳлантиришларини ёки биз Унга итоаткорлиқда яшашдан четга ўтганимизда бизни тўғри йўлга даъват этишларини сўраймиз. Сизнинг маҳаллий жамоатга аъзолигингиз – сизнинг хаёт тарзингиз юқоридан туғилганингиздан далолат берадиганига жамоатнинг омма олдидаги гувоҳлигиdir. Бу нажот бермайди, балки нажотга эришганингизни акс эттиради. Агар акс эттирмаса, биз нажотга эришганимизга қандай амин бўла оламиз?

Жамоатга аъзо бўлиш орқали биз бир-бirimizni билиш ва бир-бirimizga маълум бўлиш учун қўлларимизни маҳкам ушлаймиз.

2. Хизматга Тайёрланиши учун

Павлус айтадики, “Масих баъзиларни ҳаворий, баъзиларни эса пайғамбар, баъзиларни Хушхабар воизи, яна бошқаларни жамоатларнинг чўпонларию устозлари қилиб тайинлади, токи улар Худонинг азиз халқини хизмат қилишга тайёрласинлар. Шунда Масиҳнинг танаси, яъни жамоат имонда

маҳкам туради” (Эфес. 4:11–12). Бу ерда иккита нарсага эътибор беринг. Биринчидан, жамоат етакчилари бизларни тайёрлайдилар. Иккинчидан, улар бизни Масих танасини мустаҳкамлаш хизмати учун тайёрлайдилар.

Бошқача қилиб айтганда, биз хизмат қилиш учун тайёрланиш мақсадида жамоатларга қўшиламиз, зеро барчамиз хизмат қилишга чақирилганимиз. Жамоат етакчилари Худонинг қандай ажойиб инъомлари эканлигини бир ўйлаб кўринг-а! Жамоат етакчиларини деб жамоатга қўшилинг. Улар сизни хизмат учун тайёрлаганда уларни қўллаб қувватланг.

3. Жамоатга Насиҳат Бериши учун

Агар биз хизматга тайёрланиш учун жамоатга қўшилсак, биз, шу билан бирга, жамоатни мустаҳкамлаш учун унга қўшиламиз. Шунда жамоатга қўшилишнинг учинчи сабаби жамоатга насиҳат бериш ёки уни мустаҳкамлашдир. Жамоатга қўшилиш бизга ўзимизнинг нотўғри шахсиятпарастлигимизга (индивидуализм) қарши чиқишга

ва ўзимиз учун масиҳийликнинг умумийлик табиатини кашф этишга ёрдам беради. Янги Аҳд масиҳий ҳаёт бир-бирига меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилишни ўз ичига олишни ўргатади. Бу масиҳийлик деб аталмиш йўлнинг бир қисмидир. Биз буни мукаммал бажара олмасак ҳам, бажаришга ўзимизни бағишлшимиз керак. Биз солиҳлик, севги, фидоийлик ва Масиҳга ўхшашлиқ сари қўйилган ҳатто чақалоқ қадамларини ҳам қўллаб қувватлашга тайёрмиз.

Жамоат аъзолигига доир дарсларимда мен одатда жамоатга қатнаган пайтида, масиҳий хизмат кампуси учун ишлаган бир дўстим ҳақида айтиб бераман. У менинг жамоатимга қатнарди. У ҳар доим ҳамду-санолардан кейин етиб келар ва ваъзни тинглаб қайтиб кетар эди. Бир куни мен ундан нега йиғилишда тўлиқ иштирок этмайсан, деб сўраганимда, у “Мен йиғилишнинг қолган қисмидан ҳеч нарса олмайман”, деб айтганди.

Бунга жавобан, “Жамоатга қўшилиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан?”, деб сўрадим.

У буни шунчаки беъмани савол деб ўйлади: “Нима учун жамоатга қўшилиш керак? Агар қўшилсам, улар менинг руҳан ривожла-нишимни сусайтиришади.” У бу сўзларни айтганда, у масиҳий бўлиш нимани англати-шини қандай тушунар экан, деб қизиқдим.

Унга жавобан шундай дедим: “Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, балки Худо сизни ўша одамлар билан бирга бўлишингизни хоҳлар? Шубҳа-сиз, улар сизнинг тезлигингизни пасайтириши мумкин, лекин сиз уларнинг тезлигини оши-ришда уларга ёрдам беришингиз мумкин. Балки, мана шу Худонинг масиҳийлар сифа-тида биргаликда яшишимиздан кўзлаган мақсадининг бир қисмидир!”

4. Дунёга Хушхабарни Етказиши учун

Шу билан бирга, сиз бутун дунёга хушхабарни етказиш мақсадида ҳам маҳаллий жамоатга қўшилишингиз керак. Маҳаллий жамоат, табиатан, элчилик хизмати ташкило-тидир. Биргаликда биз ўзимиз яшаб турган жойда ва бутун дунёга хушхабарни яхшироқ

ёя оламиз. Биз буни сўзларимиз орқали, яъни Хушхабар билан бўлишиш ҳамда уни бўлишишда бир-биримизга кўмаклашиш орқали амалга оширамиз. Шу билан бирга, биз буни биргаликдаги ҳаётимиз орқали амалга оширамиз. Биргаликда биз сўзларимизнинг ҳаётни ўзгартирувчи қудратини уюшган ҳолдаги гувоҳлигимизда тақдим этамиз. Бу уюшган гувоҳлик бизнинг бир-биримизга бўлишган меҳмондорчилигимиздан бошлаб то етимлар, касаллар, болалар ва кам таъминланганларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришгача бўлган барча ишларни ўз ичига олади.

Кўпгина жамоатларнинг ҳамкорлиги орқали биз хушхабарни бутун дунё бўйлаб тарқалишига кўмаклашамиз ва биз табиий оғатдан жабр тортганларга ёрдам бериш, таълим ва шунга ўхшаш кечикириб бўлмайдиган беҳисоб бошқа хизматларни молиявий таъминлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун миллионлаб долларлар ва минглаб қўнгиллиларни таъминлаймиз. Биз

мукаммал эмасмиз, лекин агар Худонинг Руҳи ростдан ҳам ичимиңда ишласа, У ўз хушхабари ҳақиқатини намоён этишга кўмаклашиш учун бизнинг ҳайтимиз ва сўзларимизни ишлатади. Бу, яъни Худо хушхабарини бутун дунёга ёйиш режасининг бир қисми бўлиш, жамоатнинг ҳозирги маҳсус имтиёзидир.

5. Сохта Хушхабарларни Фош Этиши учун

Худо сохта хушхабарларни фош этиши учун ҳам биз шу тарзда биргаликда фаолият кўрсатишимишни хоҳлайди. Бу масиҳийлик аслида нима эканлигини дунёга кўрсатиш учун масиҳийлар сифатида биргаликда ҳаракатланиш орқали амалга оширилади. Жамоатларимизда биз Каломга асосланган масиҳийлик дея илгари сурилган, аслида эса, бундай бўлмаган хабарлар ва ғояларни биргаликда фош этамиш.

Ўзларини масиҳий “жамоатлар” сифатида кўтарган жуда кўп ёмон, адашган, бузилган гувоҳлар (ёки шоҳидлар) бор. Жамоат вазифасининг бир қисми – бу ҳақиқий хушхабарни

ҳимоя қилиш ва унинг бузилишларини олдини олиш ва уларни фош этишдир.

6. Худони Улуғлаши учун

Ва ниҳоят, масиҳий инсон Худонинг улуғворлиги учун жамоатга қўшилиши керак. Бутрус баъзи илк масиҳийларга шундай деб ёзади: “Имонсизлар орасида Худога муносиб ҳаёт кечиринглар. Улар сизларни ёмонликда айбласалар—да, эзгу ишларингизни кўриб, ким билсин, балки тавба қилишар ва қиёмат куни Худони улуғлашар” (1 Бутрус 2:12). Ажойиб, шундай эмасми? Худо бизнинг эзгу ишларимиз туфайли улуғланади! Сиз Раббимиз тоғдаги ваъзида “Сизнинг нурингиз ҳам инсонлар олдида шундай порласинки, токи улар яхши ишларингизни кўриб, осмондаги Отангизни улуғласинлар” (Матто 5:16), деган сўзларини Бутрус эшитган деб айтишингиз мумкин.

Агар бу ҳар биримизга шахсан тўғри келса, Худонинг Сўзи жамоатларимизда биргаликдаги ҳаётимизда худди шу нарсани гапириши

бизни ҳайратга солмаслиги керак. Дунё бир-бириңизге нисбатан бўлган севгимизни кўриб бизни масиҳий эканлигимизни билиб олишади: “Агар бир-бириңизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади” (Юҳанно 13:35). Бизнинг биргаликдаги ҳаётимиз Үнга тегишли эканлигини кўрсатади ва Үнга олқишиш ва улуғворлик келтиради.

Шунинг учун, менинг масиҳий дўстим, жамоатга шунчаки қатнамагин, балки жамоатга қўшилгин. Бошқа масиҳийларга қўшилгин. Кўшилишинг мумкин бўлган жамоатни топгин ва үнга қўшилгин, токи масиҳий бўлмаганлар хушхабарни эшишишсин ва қўришсин, токи имони заиф масиҳийларга гаъмхўрлик қилишсин, токи имони кучли масиҳийлар ўз кучларини тўғри йўлда ишлатишсин, токи жамоат етакчилари қўллаб-қувватлансин ва қўмаклашилсин, токи Худо улуғлансин.

ХУЛОСА

ХУДО УЛУҒВОРЛИГИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Агар сиз жамоат ҳосил қиласиган биргаликдаги ҳаёт нима эканлигини тушунмоқчи бўлсангиз, бунинг устида фикр юритиш учун Павлуснинг Коринфликларга ёзган биринчи мактуби ажойиб контекстни ташкил этади. Сиз шунда жамоатлар айниқса, муқаддаслик, бирлик ва севги билан ажралиб туриши кераклигини кўрасиз.

Жамоатлар нима учун бундай бўлиши керак? Чунки, жамоат характери Худонинг характерини намоён этиши керак. Биз муқаддас, бирликка эга ва севувчи бўлишимиз керак, чунки Худо муқаддас, ягона ва севувчидир.

МУҚАДДАС, ЯГОНА ВА СЕВУВЧИ

Биринчидан, биз муқаддас бўлишимиз керак; дунё учун бу гаълати туюлиши мумкин, лекин Худо учун маҳсус, Унга ажратилган ва пок бўлишимизни билдиради. Муқаддаслик жамоатни ажратиб турувчи хусусият, яъни биз учун умумий, ўзига хос, “савдо белгиси” бўлиши керак. Кимдир бизнинг жамоатимиз ҳақида гапирганда, улар *Бу муқаддас жамоа* деб ўйлашлари керак. Ўз назарида солих, риёкор одамлар гурухи эмас, балки юраклари ажойиб тарзда Масиҳга ва Унинг улуғворлигига йўналтирилган (чунки, бу яхшироқ, кўпроқ инсонпарвар ва кўпроқ Худони шарафлайдиган ҳаёт тарзига олиб келади) одамлар жамоасидир. Жамоат етакчиларининг чўпонлик қилиш ва таълим бериш хизматлари муҳим эканлигининг битта сабабидир. Биз муқаддас бўлишимиз керак, зеро Худо муқаддасдир.

Иккинчидан, биз якдил (бир) бўлишимиз керак, чунки Худо Ягонадир. Коринф жамоатидаги бўлининшлар ва низолар ҳақида

эшитгандан кейин, Павлус “Нима, Масих бўлинганми”, деб сўрайди (1 Кор. 1:13). Қандай қизиқ савол! Бунинг орқасида турган кучли теологик фараз жамоат Масиҳнинг танаси эканлигидир: “Енди сизлар, Масиҳнинг танасисизлар, ҳар бирингиз тананинг алоҳида бир аъзосисиз” (1 Кор. 12:27). Павлусга бундай фикр қаердан келган деб ўйлайсиз? Менимча, имонга келган заҳоти унда бундай фикр пайдо бўлган. Исо Дамашқ йўлида Павлусни қандай тўхтатганини эсланг. Исо “Шоул, Шоул! Нега масиҳийларни қувғин қиляпсан?”, ёки “Шоул, Шоул! Нега жамоатни қувғин қиляпсан?” деб айтмади. Йўқ. У “Шоул, Шоул! Нега мени қувғин қиляпсан?”, деди (Ҳаворийлар 9:4). Исо жамоат билан мана шундай яқин алоқадорликка эга. У жамоатни Ўзининг танаси сифатида кўради. Шунинг учун, биз бир бўлишимиз керак. Бизнинг орамиздаги низолар ва бўлинишлар Исо ҳақида ва Унинг қандайлиги ҳақида ҳақиқатни гапирмайди.

Муқаддаслик каби, бирлик ҳам жамоатни ажратиб турувчи ўзига хос хусусият бўлиши керак. Бизнинг бирлигимиз яхудийлар ва ғайрияхудийларнинг эски бўлинишларидан (1 Кор. 7:19). Шунга қарамай, жамоатларимиз ўзларини бошқа нарсаларга тенглаштиришлари қандай фожиали ҳолат. Биз бу чўпоннинг жамоати ёки бу турдаги мусиқа жамоати ёки уй мактаби жамоати ёки Демократлар жамоати ва ҳоказолар жамоатига айланамиз. Мана шунинг учун ҳам Павлус жамоатдаги бўлинишлар хабаридан шу даражада хафа бўлган эди. Ҳатто бирлик зиёфатлари бўлмиш Қутлуғ Кечликда ҳам улар бўлинган эдилар. Шунга қарамай, жамоат етакчилари бизни бирлик сари етаклашлари керак. Жамоат бир бўлиши керак.

Ва ниҳоят, биз севувчи бўлишимиз керак, чунки Худо севувчидир. Келин-куёвлар ўз никоҳларида 1 Коринфликларга 13 бобни ўқиб беришларини хоҳлашади, лекин, аслида, Муқаддас Китобнинг буюк севги боби Худо ҳақида ва жамоат ҳақидадир. Худонинг

севгиси сабр-тоқатли, меҳрибон, ҳар нарсани күтартувчи, ноҳақликка севинмайдиган, балки ҳақиқат ила шод бўлувчидир. Демак, бизнинг севгимиз ҳам шундай бўлиши керак. Руҳий етуклик севгида намоён бўлади, деб айтади Павлус. У энг буюк инъомдир. Шу сабабдан, Павлус 8 бобда “ҳаммамиз бу ҳақдаги ҳақиқатни биламиз. Аммо билим одамни шишинтиради, меҳр-муҳаббатли инсон эса, атрофдагиларнинг манфаатини кўзда тутади” (8:1). 8 бобдан 14 бобгача бўлган матнда биз қилишимиз керак бўлган барча ишни севги бошқарувида қилишимиз кераклиги ҳақидаги узоқ экспурсия ёритади. Бизнинг барча инъомларимиз, хизматларимиз ва ишимиз биргаликда “имонлилар жамоатини мустаҳкамлаш ниятида қилиниши” керак (14:26). Павлус кейин 16 бобда хулоса ясад “Ҳамма нарсани меҳр-муҳаббат билан қилинглар” дейди (14 оят). Ва ниҳоят, Масих Ўз қонини тўкиши ва биз учун жонини қурбон қилиши орқали кўрсатган севгиси ҳақида ўйланг, ахир (11:23–26). Жамоат севувчи бўлиши керак, чунки Худо

севувчидир. Бу энг ажойиб тарзда Иңжил хушхабарида баён этилган.

Жамоат шундай бузук, гунохкор ва худбин дунёда Худонинг муққаддаслиги, ягоналыги ва севгисини намоён этиши керак. Биз шундай қиляпмизми? Сизнинг жамоатингиз Худонинг характерини намоён этяптими? Жуда кўплаб жамоатлар бугунги кунда масиҳийликнинг шундай версиясини тақдим этяптиларки, унда барча азоб-уқубатлар шу ҳаётда инобатга олинади, барча қурбонликлар шу ҳаётда тақдирланади ва барча сирлар ушбу ҳаётда тушунтирилади. Лекин, бу Павлус воизлик қилаётган хушхабар эмас. Аслида, бу Раббимиз Масиҳнинг хушхабари эмас. Ҳамда бу бизнинг жамоатларимизнинг ҳам хушхабари бўлмаслиги керак. Агар сиз масиҳийнинг ҳаётини агадиятнинг бу томонида баҳоласангиз, бу хушхабарга тўғри келмайди. Масиҳнинг ҳаёти ҳам, Павлуснинг ҳаёти ҳам бундай баҳоланмаган. Бизнинг ҳаётимиз ҳам бундай баҳоланмаслиги керак (1 Кор. 15:17–19га қаранг).

ХУДОНИНГ АСОСИЙ ДАЛИЛЛАРИДАН БИРИ

Худо жамоатда нима қилаётганини кўра оласизми? “Дунёдаги эътиборли ҳисобланганлар арзимас бўлиб қолсин деб, Худо бу дунёдаги эътиборсиз ва камситилган, яъни аҳамиятсиз, деб ҳисобланганларни танлади. Шундай қилиб, ҳеч бир инсон Худонинг олдида мақтана олмайди” (1 Кор. 1:28–29). Худо сиз билан менга ўхшаган ожиз ва гуноҳкор одамларни танлайди, чунки У Ўзини номаълум қилишни хоҳламайди!

Бир неча йил олдин қатнашган конференсияда мен чўпон Марк Росснинг қўйидаги гапларини эшиктган эдим: “Биз Худонинг асосий далилларимиз. Павлус жамоат Худо улуғворлигини намоён этиши ҳақида қайғурарди, шу орқали ёвузлик шоҳлигининг барча иғволарига, Худо У учун яшашга арзимаслигини айтувчи иғволарга қарши Худонинг характеристини исботлай оламиз. Худо Ўз номининг улуғворлигини Ўз жамоатига ишониб топширган. Ҳаёtingиздаги вазиятлар

Худонинг хусусиятларини намоён этишингиз учун Худо берган шароитлардир.”

Агар эхтиёт бўлмасак, бизнинг шахсиятпарастлигимиз (индивидуализм) гуноҳга жиддий қарамайдиган, масиҳийлик талабларига жавоб бермайдиган, яъни ундан пастда турувчи “муқаддаслик”ни ўзида сақлайди. Бизнинг худбинлигимиз бизни масиҳийликдан пастда турувчи бирликка етаклайди ва бу бирлик хушхабар ҳақидаги номувофиқлик (бўлиниш) ни текислайди ҳамда бошқа, камроқ аҳамиятга эга нарсалар атрофида бирлаштиради. Ҳатто баданимиз ҳам, шунчаки бир ҳиссиёт бўлган, узоқ вақт давомида бирга бўлганлигимиз учун оила ҳиссига айланган, масиҳийликдан пастда турувчи севгини фарқлай олади. Лекин, буларнинг биронтаси, бизнинг жамоатларимизни ифодаламаслиги керак, чунки буларнинг бари Худо ҳақидаги ҳақиқатни намоён этмайди. Улар Унинг характерини бошқача қилиб кўрсатади. Ҳақиқий муқаддаслик тартиб-интизомни ўз ичига олади. Ҳақиқий бирлик фақатгина Масиҳ

атрофида бўлиши керак – ва жамоатнинг хилма-хиллиги бунга гувоҳлик беради. Ҳақиқий севги эса, ҳиссиётдан, табиий ришталардан юқорироқ туради. У Масих ҳақи бегона одамнинг олдига чиқиб боради. Мана бу Худо улуғворлигининг жамоатда намоён бўлишидир. Бу жамоат ҳақиқатда гуллаб-яшнаши мумкин бўлган ягона йўлдир.

Шундай қилиб, биз Худонинг улуғворлигини қандай намоён этамиз? Ўз Каломида бизга кўрсатган андозага мувофиқ жамоатларимизни ташкил этиш орқали. У учун муқаддас ҳаётда, якдиллик ва севгига асосланган ҳаётда яшаш орқали. Мана шу жамоат бағишланиши керак бўлган нарсадир. Сиз шунга бағишланганмисиз?

ОҚСОҚОЛЛАР:

ЕТАКЛАШ ВА НАМУНА КЎРСАТИШ

Ҳозирги кунда, Ғарб маданияти борган сари масиҳийликка қарши чиқаётган бир пайтда, масиҳийлар баландпарвоз ваъзлар ва гулдурос танбеҳлардан кўра кўпроқ нарсага

муҳтождир. Улар Масиҳнинг улуғворлигини гавдалантирадиган гувоҳлардир. Улар муқаддаслик, яқдиллик ва севгида намуна бўла оладиган одамларга муҳтож. Улар маданият оқими билан бирга сузадиган эмас, балки оқимга қарши сузиб, бошқаларни ҳам етаклайдиган одамларга муҳтож.

Фақат бугина эмас, улар ўз жамоатларида фақатгина битта одамнинг бундай намунасидан эмас, балки Худо таъминлаган кўпчилик оқсоқолларнинг намунасидан фойда кўрадилар. Уларнинг ҳар бири, ўз инъомидан келиб чиқиб, ғамхўрлик, садоқат ва жасоратга тўла етакчилик хизматини кўрсатадилар. “Худонинг каломини сизларга ўргатган устозларингизни хотирланглар. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида фикр юритинглар. Имонларига тақлид қилинглар” (Ибронийларга 13:7).

Мен биринчи марта Капитол Ҳиллдаги жамоатимизга 1993 йилнинг ёзида ташриф буюрганман. Мен ўшанда ваъзхонларни қидирадиган кенгашга *оқсоқоллар кўплигига*

доир Муқаддас Китоб таълимотига нисбатан ишончимни очиқ айтдим. Улар ҳайратда қолишиди, ва менимча, озгина кейинроққа суришиди. Бир неча йил давомида ушбу мавзу бўйича вақти-вақти билан таълим бергандан кейин, ва ниҳоят, 1998 йилда биз янги таркибни ҳамда бизнинг биринчи оқсоқоллар турухини қабул қилдик.

Охиригина ўн етти йил давомида, мен биргаликда хизмат қилиш шарафига мұяссар бўлган биродарларим мен билан бирга ибодат қилиш, муҳокама қилиш, устозлик қилиш, таълим бериш ва сурувга чўпонлик қилиш учун ўз вақтларидан минглаб соатлар ажратишиди. Улар менинг баъзи камчиликларимни тўлдиришиди. Улар мени қўллаб қувватлашди ва тузатишиди. Улар жуда ёлғизлиқда қилиниши мумкин бўлган ишни қувончга ва завққа айлантиришиди. Уларнинг хизматлари остида жамоатимизнинг каттагина қисми гуллаб яшнади. Худога шукурки, муқаддаслик, яқдиллик ва севгида бошқаларга намуна бўлишга ва уларни етаклашга чақирилган

ягона одам эмасман. Ундай бўлганда, жамоатнинг бу нарсаларга доир манзараси қанчалик чегараланган бўлар эди!

ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИШЛАР

Бутун дунёдаги Баптист жамоатларида қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Жуда кўп жамоатларда аъзоликка доир амалиётлар, афсуски, Муқаддас Китобдаги манзарага тўғри келмайди. Натижада, бу бизнинг хушхабарга доир гувоҳлигимизни хиралаштиради ҳамда хушхабарчилик ва устоз-шогирдлик фаолиятимизга тўскенилик қиласди. Бўрттириб кўрсатилган аъзолик рўйхатлари, чўмдирилиш ёшининг катта тезлик билан камайиб бориши, жамоат йиғилишларига доимий иштирок этмаслик, жамоатдаги интизомий чораларнинг йўқлиги бизнинг жуда кўп жамоатларимизга хосдир. Зулматга чўмган ва ҳалок бўлаётган дунёда ёруғлик ва ҳаётнинг ўзига хос гувоҳлари бўлишимиз учун жамоатларимизда ўзгартирилиши керак бўлган нарсалар жуда кўп.

Садоқатли чўпонлар ва жамоатларга беришмиз мумкин бўлган энг катта ёрдамлардан бири – бу оқсоқоллар сифатида хизмат қила-диган малакали одамлар гурӯҳи, яъни жамоат аъзолари бўлган, лекин асосан, жамоатда расман ишламайдиган одамларнинг хизматга кўшилишидир. Аслида, бундай инъомларни биз бермаймиз. Биз фақат уларни тан олишимиз мумкин, бундай инъомларни Исо беради:

“Масих Ўз иноятига кўра ҳар бири-
мизга турли хил инъомлар берган. Мана,
Муқаддас Битикларда қуидагича ёзилган:
“Юксакларга чиқди У, Асиrlарни ортидан
эргаштирди. Инсонларга ҳадялар берди.”
... Масих баъзиларни ҳаворий, баъзиларни
эса пайғамбар, баъзиларни Хушхабар
воизи, яна бошқаларни жамоатларнинг
чўпонларию устозлари қилиб тайинлади,
токи улар Худонинг азиз ҳалқини хизмат
қилишга тайёрласинлар. Шунда Масих-
нинг танаси, яъни жамоат имонда маҳкам
туради. Бунинг натижасида ҳаммамиз

имонда яқдил, Худо Ўғлини таниб—била-
диган, Масихнинг камолига эришган етук
одамлар бўламиз” (Эфес. 4:7–8, 11–13).

Сиз, жамоат етакчиси ёки аъзоси, ушбу
ажойиб инъомларни тан олиш, эъзозлаш ёки
ишлатиш учун нима қиляпсиз?

ИЛОВА

ДИАКОННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Қуида Капитол Ҳилл Баптист Жамоатидаги ҳар хил диаконлик лавозимлари ва уларнинг вазифалари келтирилган:

КИТОБ КИОСКАСИ ДИАКОНИ

Ушбу турдаги диакон киоскада сақланайдын нарсалар (китоб, диск ва ҳоказолар) журналини юритади, киоска штати учун кўнгиллиларни ёллаш ва уларни тайёрлаш ҳамда китоб киоскасидаги кирим-чиқимларга доир масалаларга жавобгардир.

Вазифалари:

- Сақланайдын нарсаларни назорат қилиш.
- Қуидаги усулларда кўнгиллиларни якшанба кунларидаги (ерталабки ва

кечкүрүнгі) ва чоршанба кунларидаги кечкүрүнгі хизматлардан кейин ҳамда Ҳенри Форумларидан кейин мижозларга хизмат күрсатышга тайёрлайди:

- Китоб киоскаси худудига ташриф буюрганларни кутиб олиш ва саломлашиш.
- Киоскада сотиладиган китобларга буюртмалар қабул қилиш.
- CD дисклар учун маҳсус буюртмалар қабул қилиш.
- Сотувлар ҳисоб-китобини юритиш.
- Мижозларга ўз буюртмаларини олиб кетишлари учун эслатмалар жүнатиш.
- Китоб жавонларини бепул 9Маркс адабиётлари билан түлдириш.
- Киоскани ёпиб кетишдан олдин савдо ҳисботи ва пулларини жамоат штати аъзосига топшириб кетиш.
- Маҳсус буюртмалар бүйича CD Хизматига маълумотлар жүнатиш.
- Мавжуд нарсаларнинг ҳаftалик рўйхатини тузишга кўнгиллиларни ёллаш ва уларни тайёрлаш.

- Янги молларни нархлаш ва жавонларга тегишлича жойлаштириш.
- Буюртмалар қайдини олиб бориш, бир йиллик бюджет ичидаги ишлаш.
- СД буюртмалари бўйича СД Хизмати билан мулоқот олиб бориш.
- Сотилган китобларнинг ўрнини қайта тўлдириш учун китоблар буюртма қилиш.

БЮДЖЕТ ДИАКОНИ

Ушбу турдаги диакон оқсоқоллар, бошқа диаконлар ва жамоат администратори ёрдамида йиллик бюджет тузиш ва бюджет жараёнини мувофиқлаштиришга масъул шахсdir.

Бюджет жараёни май ойида бошланади, шу пайтда оқсоқоллар келаси йилдаги хизматларга доир жамоат харажатлари микдорини белгилашади. Жамоат администратори диаконни коммунал ва маъмурий масалаларга доир режалаштирилган жамоат харажатлари билан таништиради.

Вазифалари:

- Ҳар бир хизматга кейинги йил учун керак бўладиган харажатларни аниқлаш учун бошқа диаконлар ва тегишли жамоат аъзолари билан маслаҳатлашади.
- Жамоат штати хизматчиларининг ойликлари ва штатнинг бошқа харажатларига доир режалаштирилган суммани аниқлаш учун штат билан суҳбатлашади.
- Жамоат режалаштирилган бюджетни таъминлашга қодир ёки қодир эмаслигини даромад ва харажатлар лойиҳалари орқали аниқлайди. Агар у харажатлар даромаддан ошаётганлигини аниқласа, бу ҳақда оқсоқолларни хабардор қилиши ва уларга режалаштирилган бюджетга тегишли ўзгартаришлар киритиш таклифлари билан бирга қайтариши керак.
- Оқсоқоллар бюджетни тасдиқлагандан ва уни илгари сургандан кейин жамоат

томонидан бериладиган ҳар қандай саволга жавоб бериш.

БОЛАЛАР ХИЗМАТИ ДИАКОНИ

Ушбу турдаги диаконлар болалар хизмати ҳудудларида тозалик ҳамда тартиб бўлиши учун жавобгардирлар. Маъмурий жихатдан болалар хизмати қўнгиллилар ишини ташкил этиш (вақтини белгилаш), уларни қайд этиш, тренинглар ўтказиш ва жамоат тамойилларига мослигини назорат қилиш уларнинг зиммасида.

Вазифалари:

- Ҳар бир хизмат олдидан хоналарнинг хавфсизлиги ва тозалигига ишонч ҳосил қилиш. Бу ҳар бир бўлимда ёшга мос ўйинчоқлар жойлашганлигига, полдан шифтгача тўсинлар тўсилган, оёқ остидаги жалюза парда(лар) кўтарилиган ва розеткалар усти қопланганлигига ишонч ҳосил қилишни ўз ичига олади ва бу билан чегараланиб қолмайди.

- Ҳар бир хизмат (йиғилиш) дан олдин ювилган ўйинчоқларни ўз жойига жойлаштириб чиқиши.
- Ҳар бир хизматдан олдин ва кейин барча болаларнинг хоналарга кириши ва чиқиши қайд этилишини назорат қилиш.
- Ҳар бир хизматда жамоаттинг нечта болага нечта хизматчи бўлиши кераклигига доир мезонига мослигига ишонч ҳосил қилиш.
- Кичик болалар хоналарида тагликлар (памперслар), салфеткалар, тамаддилар ва ҳоказолар сероб бўлишини таъминлаш.
- Ҳар бир хизмат (йиғилиш) давомида қайси кўнгиллилар кичик болалар хоналарида хизмат қилганликларига доир қайдларни олиб бориш.
- Ҳар бир хизматдан кейин бирон корхол рўй берган бўлса, бу ҳақда ота-оналарга маълум қилиш ва имзо қўйдириб олиш, кейин бу ҳақда болалар хизмати администраторига хабар бериш.

- Болаларга қараш тренингини олиб бориш.
- Болаларга хизмат қилаётган күнгиллиларга “биринчи күмак чизиги” сифатида хизмат қилиш.
- Болалар хизматида хизмат қилиш учун янги күнгиллиларни ёллаш.

ЖАМИЯТГА ЕТИШИШ ДИАКОНИ

Бу турдаги диакон маҳаллий жамиятга хизмат қилиш фаолиятига жамоат аъзоларини жалб этиш, истиқболли хизмат имкониятларини оммага маълум қилиш, оқсоқолларнинг жамоат аъзоларини жамиятдагиларга хушхабар айтишга руҳлантириш ишига кўмаклашиш.

Вазифалари:

- Оқсоқоллар томонидан тасдиқланган хушхабарчиллик фаолиятига оид жамиятга етиб бориш ҳаракатлари учун жамоат воситаларидан фойдаланишни жамоат штати билан мувофиқлаштириш.

- Жамоат аъзолари ўзларининг Исо Масихга шогирд бўлишда ривожланишларининг белгиси сифатида ўзлари яшаб турган жамиятларда ночор ва муҳтоҗликда яшаётган одамларга ғамхўрлик қилишга чорлашда оқсоқолларга кўмаклашиш.
- Жамоат аъзоларига ўз атрофларидағи жамиятнинг муҳтоҷ аъзоларига ғамхўрлик қилиш ва хизмат қилишда кўпроқ иштирок этишларига амалий жиҳатдан ёрдамлашиш.
- Ўз атрофларидағи жамиятнинг муҳтоҷ аъзоларига ғамхўрлик ва хизмат қилишга маслаҳат ҳамда ёрдам излаётганларга биринчи мурожаат нуқтаси сифатида хизмат қилиш.
- Атрофдаги ҳудудларда камбағалларга хизмат қилаётган ҳар хил хушхабарчилик ташкилотларини кўриб чиқиш, уларни баҳолаш ва улар билан алоқа ўрнатиш, бундай ташкилотлар билан кўнгиллилар хизматида иштирок

этиш кўринишидаги ҳамкорликни излаётган, жамоатнинг якка тартибдаги аъзоларини маълумот билан таъминлаш ва уларга маслаҳат бериш.

ЖАМОАТ АЪЗОСИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛУВЧИ ДИАКОНИ

Бу турдаги диаконнинг икки асосий вазифаси бор: хайр-эҳсон фондини юритиш ва жамоатнинг ёши катта аъзоларига доир хизматни мувофиқлаштириш. Бунга қўшимча равишда, ушбу диакондан жамоат аъзоларига кўмаклашишни мувофиқлаштириш сўралади.

Хайр-эҳсон фонди жамоат аъзолари ёки жамият аъзоларининг моддий эҳтиёжларини қодириш ёки бошқа арзирли сабаблар учун ишлатилади. Фонд оқсоқолларнинг назорати остида жамоат аъзоларига ғамхўрлик қилиш диакони томинидан юритилади. Бирон бир харажатни амалга ошириш учун диакон ва оқсоқоллардан биттаси харажат миқдори ва мақсади ҳақида келишиб олишлари керак.

Үшандагина жамоат администратори фонд ҳисобидан чек ёзиб беради. Харажатлар маълум бир шартлар ва/ёки доимий маслаҳатлар билан бирга амалга оширилиши ҳам мумкин.

Аъзоларга ғамхўрлик қилиш диаконининг иккинчи асосий жавобгарлиги бу жамоатнинг ёши катта аъзоларига доир хизматни мувофикаштиришdir. Биринчидан, диакон ёши катта аъзоларни яхшироқ түшүниш ва уларнинг муҳтоҷжикларини англаш учун улар билан алоқа ўрнатиши керак. Бундай хизматга уларни жамоатга олиб бориш, шифокор кўригига олиб бориб, олиб келиш, ҳовли-томорқа ишларига кўмаклашишни мувофикаштириш, уларнинг уйларида Мавлуд байрами қўшиқлари куйланишини ташкиллаштириш ва бошқа фаолиятлар мисол бўла олади.

МАРОСИМЛАР ДИАКОНИ

Маросимлар диакони барча чўмдирилиш маросимлари ҳамда Қутлуғ Кечлигни муносиб равишда ижро этишга масъулдир.

Вазифалари:

- Чўмдирилиш маросимида, диакон ҳамма нарса силлиқ ва тўғри кечатётганига ишонч ҳосил қилиш учун чўмдирилишга алоқадор шахсларга саҳна орқасида кўмаклашади.
- Қутлуг Кечликда, диакон ҳамма нарса олдиндан тартибга солинганига, тайёрланганига ва режалаштирганига ишонч ҳосил қиласди; Қутлуг Кечликни тарқатиш учун аъзоларни танлайди ва Кечликни ижро этилишига кўмаклашади.

ОВОЗ СОЗЛАМАЛАРИ ДИАКОНИ

Ушбу турдаги диакон жамоатнинг аудио лойиҳалаш ва овоз ёзиш эҳтиёжлари учун масъул шахсdir. Диакон барча хизматлардаги овозлар аниқ ва тиник чиқиши ва хизматчиларни ўз ишидан чалғитмаслигини таъминлаши керак. У ўзини (1) ҳамду-сано айтишдан чалғитадиган нарсаларнинг олдини олиш орқали жамоатга хизмат қилиш; (2) йиғилиш етакчилари ва

нотиқлар дуч келиши мумкин бўлган ноқулайликларни камайтириш ёки олдини олиш орқали уларга хизмат қилиш; (3) дунёга ёзилган овозли Каломни етқазиш орқали уларга хизмат қилиш.

Вазифалари:

- Кўнгиллиларни тайёрлаш.
- Кўнгиллилар хизмат жадвалини юритиш ва уларга керакли пайтда эслатмалар жўнатиш.
- Ўқув ва ахборот материалларини тайёрлаш ва ишга яроқлилигини сақлаш.
- Доимийликни сақлаш мақсадида вақти-вақти билан кўнгиллиларни қайта тайёрлаш.
- Овоз ва овоз ёзиш тизимларини ишга яроқлилигини сақлаш, уларни калибрлаш (созлаш) ҳамда янгилаб бориш учун техник мутахассислар ёки кўнгиллиларни бошқариш.
- Овоз созламалари бўйича янги ғояларга эга бўлиш учун бошқа жамоатлар билан алоқа ўрнатиш.

- Овоз мувофиқлиги учун методлар ва стандартлар ишлаб чиқиш.
- Овоз тизимлари эҳтиёжлари учун йиллик бюджет лойиҳасини таклиф қилиш.
- Ҳар ҳафта якшанба кунги эрталабки хизматдан олдин овоз сифатини текшириш.

КЕЛУВЧИЛАРНИ КУТИБ
 ОЛИБ ЎРИНДИҚЛАРГА
 ЖОЙЛАШТИРУВЧИЛАР ДИАКОНИ

Бу турдаги диакон якшанба кунларидаги эрталабки ва кечқурунги йиғилишлар пайтида ва Ҳенрй Форумлари каби маҳсус бир жамоат учрашувларида келувчиларни кутиб олиш ва уларни жойлаштириш учун масъулдир.

Вазифалари:

- Келувчиларни кутиб оловчилар ва жойлаштирувчиларни ёллаш, хизмат жадвалини тузиш ва уларни бошқариш,

улар ўз вазифаларини билишлари ва уларни бажараётгандарига ишонч ҳосил қилиш.

- Ушрлар ва йигимларни бошқариш. Курбонликлар йиғилиши, жамланиши ва хавфсизликда сақланишини таъминлаш.
- Жамоат оқсоқоллари билан алоқада бўлиш.
- Келувчиларни кутиб олиш ва жойлаштириш ишларини яхшилаш йўлларини тавсия қилиш.

Кутиб оловчи ва жойлаштирувчиларнинг вазифалари:

- Жамоат аъзолари ва меҳмонларни кутиб олиш.
- Жамоат аъзолари ва меҳмонларни жойлаштириш.
- Варақаларни тарқатиш.
- Жамоат ўриндикларидан самарали фойдаланаётгандигига ишонч ҳосил қилиш.

- Саволларга, айниқса, мәхмөнларнинг саволларига жавоб бериш.
- Ёрдамга муҳтож бўлганларга, айниқса, кекса ёшдагиларга ёрдам бериш.
- Ушр ва қурбонликларни йиғиш жараёнида ҳисобдорликни таъминлаш.
- Ибодат ва Калом ўқиши пайтида ўтириш ва ҳалал беришларни олдини олиш орқали Худога ва Унинг Сўзига лойиқ хурматни таъминлаш.

Кутиб олувчиларнинг вазифалари:

- Аъзолар ва мәхмөнларни кутиб олиш (саломлашиш).
- Варақаларни тарқатиш.
- Саволларга, айниқса, мәхмөнларнинг саволларига жавоб бериш.
- Ёрдамга муҳтож бўлганларга, айниқса, кекса ёшдагиларга ёрдам бериш.
- Ибодат ва Калом ўқиши пайтида ўтириш ва ҳалал беришларни олдини олиш орқали Худога ва Унинг Сўзига лойиқ хурматни таъминлаш.

МЕХМОНДОРЧИЛИК ДИАКОНИ

Бу турдаги диакон меҳмонлар/аъзолар, имонлилар/имонсизлар учун ичимликлар тарқатиш ва уларга хизмат кўрсатиш орқали муносабат ўрнатиш учун шароит яратишга масъулдир.

Вазифалари:

- Мехмондорчилик хизмати учун етакчиликни ривожлантириш ва назоратни таъминлаш.
- Ушбу хизматга хизматчи лидерларни ёллаш, уларга, ўргатиш ва уларни қўллаб кувватлаш.
- Ўз инъомларини хизматда ишлатишга руҳлантириш орқали бошқаларнинг истеъоддларини ривожлантиришга кўмаклашиш.
- Доимий баҳолаш ва ривожланишни таъминлаш.
- Ушбу хизматга доир бюджетни бошқариш.

- Ушбу хизматга керак бўладиган маҳсулотлар, ашё-анжомлар ва жиҳозларни назорат қилиш.
- Оқсоқоллар билан алоқада бўлиш.

Вазифалар қўйидагиларга тўғридан-тўғри масъулдир:

- Якшанба кунги эрталабки Вест Ҳол биродарлиги
- Ҳенри Форуми биродарлиги
- Тепалиқдаги ҳамду-санолар (Мавлуд байрамида)
- Аъзолар паёги (озиқ-овқат)
- Янги оналарга овқатлар
- Бемор одами бор оиласарга овқатлар
- Дафн маросими эҳтиёjlари
- Янги аъзоларга тушлик

ИЗОХЛАР

1. Louie D. Newton, *Why I Am a Baptist* (Boston: Beacon Press, 1957), 202.
2. Масалан, Ҳаворийлар 1:17, 25; 19:22; Рим. 12:7; 1 Кор. 12:5; 16:15; Эфес. 4:12; Кол. 4:17; 2 Тим. 1:18; Филим. 13; Ибр. 6:10; 1 Бут. 4:10–11; Вахий 2:19.
3. Масалан, Рим. 13:4.
4. Масалан, Матт. 25:44; Ҳаворийлар 11:29; 12:25; Рим. 15:25, 31; 2 Кор. 8:4, 19–20; 9:1, 12–13; 11:8.
5. Масалан, Матт. 8:15; Марк 1:31; Луқо 4:39; Матт. 27:55; Марк 15:41; Луқо 8:3; Луқо 10:40; Юханно 12:2; Рим. 16:1.
6. Масалан, Матт. 4:11; Марк 1:13.
7. Масалан, Матт. 22:13; Луқо 10:40; 17:8; Юханно 2:5, 9; 12:2.
8. Масалан, Матт. 20:28; Марк 10:45; Луқо 22:26–27; сп. Юханно 13; Луқо 12:37; Римликлар 15:8.
9. Масалан, Ҳаворийлар 6:1–7; Ҳаворийлар 20:24; 1 Кор. 3:5; 2 Кор. 3:3, 6–9; 4:1; 5:18; 6:3–4; 11:23; Эфес. 3:7; Кол. 1:23; 1 Тим. 1:12; 2 Тим. 4:11.
10. Ҳаворийлар 21:19; Рим. 11:13.
11. Масалан, 1 Тим. 4:6; 2 Тим. 4:5.
12. 1 Бут. 1:12.
13. Ибр. 1:14; 2 Кор. 3:6–9; 11:15; Гал. 2:17.

14. Бу таърифларни кўришга ёрдам берган Чўпон Буддй Грайга ташаккурлар.

15. Bonhoeffer, *Life Together: The Classic Exploration of Christian in Community* (New York: Harper & Row, 1954), 109.

16. Os Guinness, *Dining with the Devil* (Grand Rapids, MI: Baker, 1983),

17. Масалан, А. Т. Робертсон, *Life and Letters of John Albert Broadus* (Philadelphia: American Baptist Publication Society, 1902), 34; O. L. Hailey, *The Preaching of J. R. Graves* (1929), 40.

18. 1 Тим. 5:17; Титус 1:8–9; Ҳаворийлар 6:2, 4га қаранг.

19. Timothy Z. Witmer, *The Shepherd Leader: Achieving Effective Shepherding in Your Church* (Phillipsburg, NJ: P&R: 2010); also, Phil Newton and Matt Schmucker, *Elders in the Life of the Church* (Wheaton, IL: Crossway, 2014).

20. Жонатан Лиман ушбу масала устида *Don't Fire Your Church Members: A Case for Congregationalism* (Nashville: B&H Academic, 2016), ch. 5, ҳамда оммага тушунарлироқ бўлган даражада эса *Understanding the Congregation's Authority* (Nashville: B&H, 2016), ch. 6. асарида чуқурроқ мухокама қилган.

21. Edward Griffin, “A Tearful Farewell from a Faithful Pastor” (1809).

22. Еремиё 31:34; 1 Кор. 2:10–16; 1 Йоҳанно 2:20,

27.23. Leeman, *Understanding the Congregation's Authority*, Кириш.

МУҚАДДАС КИТОБГА ИҚТИБОСЛАР

ЗАБУР	13:34–35 <i>116</i>
1 <i>67</i>	13:35 <i>40, 126</i>
19 <i>67</i>	14:21 <i>118</i>
119 <i>67</i>	15:5 <i>113</i>
МАТТО	ҲАВОРИЙЛАР
5:16 <i>125</i>	6 <i>26, 37-38</i>
18 <i>109</i>	6:1–7 <i>37-38</i>
18:15–17 <i>92</i>	6:2 <i>85</i>
18:17 <i>93</i>	6:2–4 <i>26, 85</i>
20:26 <i>25</i>	6:3 <i>28, 39</i>
23:11 <i>25</i>	6:4 <i>63, 85</i>
28 <i>112</i>	9:4 <i>129</i>
ЛУҚО	11:30 <i>52</i>
12:35–48 <i>69</i>	14:23 <i>52</i>
ЮХАННО	15:2, 4, 6, 22–23 <i>52</i>
10:16 <i>113</i>	16:4 <i>52</i>
12:26 <i>25</i>	20:17 <i>52</i>
	20:17, 28 <i>51</i>

20:28 68, 72, 74-75

21:18 52-53

ЁҚУБ

5:14 53, 63

1 БУТРУС

2:5 113

2:12 125

4:10 43

5:1 53

5:1-2 51

5:2 68, 77

5:3 78

1 ЮХАННО

4:20 116

2 ЮХАННО

2 Юханно 54

3 ЮХАННО

3 Юханно 54

РИМЛИКЛАРГА

1:11-12 42

6:3-4 112

15:14 69

16:1 29

1 КОРИНФЛИКЛАРГА

1:13 129

1:28-29 133

5 109

7:19 130

8:1 131

10:16-17 112

11:23-26 131

12 113

12:4-7, 12 42

12:27 129

13 130

14 42

14:12 42

14:26 42, 131

15:17-19 132

16:14 131

2 КОРИНФЛИКЛАРГА

2:6-8 94

13:5 65

ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА

1:6-9 93

3:28 55

ЭФЕСЛИКЛАРГА	5:17 53, 99
4:7–8, 11–13 139–140	5:17–18 88
4:11 51	
4:11–12 119–120	
ФИЛИППИЛИКЛАРГА	2 ТИМҮТИЙГА
1:1 30	2:2 79
4:15–18 88	4:3 95
1 САЛОНИКАЛИКЛАРГА	ТИТУС
5:13 99	1 54
1 ТИМҮТИЙГА	1:5 53
2 29, 54	1:5–9 55
2:12 54	1:6 100
3 54, 84	1:7–9 77–78
3:1–7 55–56	ИБРОНИЙЛАРГА
3:2 66	10:24–25 113
3:8–13 28	13:7 136
4:14 53	13:17 69, 96, 101
5 54	ВАХИЙ
	2 88
	3 88



WORDsearch® Муқаддас Китоби – бу LifeWay Christian Resources шўбаси бўлиб, у 1987-йилдан бери юкори сифатли Муқаддас Китобни ўрганиш дастури билан таъминлаб, ваъз айтиш ва таълим бериш орқали инсонларнинг ҳайтини ўзгартирадиган хизматчиларга хизмат қилиб келмоқда. WORDsearch® Худо Каломи ваъзхонлари, ўқитувчилари ва талабаларига минглаб Муқаддас Китоблар ва Каломни тезроқ, осонроқ ва завқлироқ ўрганишга имкон берадиган китобларни таклиф етади. Шу билан бигра, WORDsearch®ни iphone, ipad, ва Android телефонлар ва планшетларда ҳам MyWSB.com иловаси орқали бепул юклаб олиш мумкин.

Жамоатни ким етаклайди? Бу Худо үчүн нега мұхим?

Худо Үз улуғворлиги ҳақида қайғуради ва У Үз улуғворлигини жамоат орқали намоён этишни хоҳлайди. Айнан мана шу мақсадда, Худо оқсоқоллар ва диаконлар, жамоат аъзолари ҳамда жамоат ҳокимиятини йўлга қўйган. Жамоат тузилиши ҳақидаги ушбу қўлланма жамоатдаги ҳар хил мартабаларни бир-бири билан ҳамда Худонинг улуғворлиги билан боғлайди.

Жамоат Асослари Тўпламида ишончли жамоат мутахассислари жамоат интизоми, жамоатдаги етакчилик, Қутлуғ Кечлик, чўмдирилиш каби масалалар бўйича амалий ҳамда ишончли манбалар ёзишади. Уларни ҳар қандай чўпон ҳар қандай жамоат аъзосига тақдим этиши мумкин.

Марк Девер (Кембридж Университети фалсафа доктори) Вашингтондаги Капитол Ҳил Баптист Жамоати катта чўпони ва 9Белгилар хизмати раҳбаридир. У жамоатга доир кўплаб китоблар, шу жумладан, “Жамоат: Кўзга Кўринадиган Хушхабар” китобини ёзган.

Жонатан Лиман (Уелс Университети фалсафа доктори) 9Белгилар хизматида таҳририят директори сифатида фаолият кўрсатади. У бир неча китоблар ва мақолалар ёзган ҳамда 9Белгилар Журнали ва китоблар тўпламларини таҳрирлайди. Шу билан бирга, у Капитол Ҳил Баптист Жамоатида оқсоқол бўлиб хизмат қиласади.